2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 98 (1697), 2026 йил 15 май, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли форум қатнашчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, анжуманга ташриф буюрган меҳмонларимизни чин қалбимдан қутлаб, барчангизни Осиё хотин-қизларининг иккинчи форуми очилиши билан қизғин мубораксод этаман.

Асрлар давомида илм-фан, маданият ва цивилизациялар туташган боқий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳрида жам бўлган сиз, азизларга самимий саломимни ҳамда энг эзгу тилакларимни изҳор этишдан мамнунман.

Мазкур форумни ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, анжуман ишида фаол иштирок этаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасаларига, барча халқаро ташкилотларга, Осиё мамлакатларидан ташриф буюрган парламент делегациялари аъзоларига, сенатор ва депутатларга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Маълумки, Осиё халқларининг тарихи, маданияти, қадриятлари бир-бирига яқин ҳамда муштарак бўлиб, бу жиҳат минтақада барча соҳаларни ўзаро бирлаштирадиган, турли миллат аёлларини ҳамкорликка чорлайдиган омиллардан ҳисобланади.

Бугун Осиё қитъасида истиқомат қилаётган 5 миллиардга яқин аҳолининг қарийб ярмини аёллар ташкил этади. Биз уларнинг тимсолида нафақат нафосат соҳибаларини, балки мамлакатларимиз тараққиётини жадаллаштириш, халқлар фаровонлигини юксалтириш ва адолатли дунёни барпо этиш йўлидаги улкан бунёдкор кучни кўрамиз.

Сизларнинг юксак профессионал маҳоратингиз, бой билим ва тажрибангиз ҳамда бирдамликка қатъий интилишингиз кенг минтақамиздагина эмас, балки дунё миқёсида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон ислоҳотларининг устувор йўналишига айланди. Зеро, аёлга эътибор — бу, аввало, инсон шахсига, унинг қадрига бўлган юксак эҳтиромнинг олий намунасидир. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш фақат сиёсий вазифа эмас, балки эркин ва фаровон жамият барпо этиш йўлидаги изчил демократик янгиланишларнинг ажралмас қисми ҳамдир.

Сўнгги йилларда юртимизда гендер тенгликни таъминлаш борасида мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал пойдевор яратилди. Янги таҳрирдаги Конституция ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси аёллар ҳуқуқлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилишнинг институционал кафолатларини мустаҳкамлади.

Кенг кўламли ислоҳотлар натижасида хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 37 фоизга, сиёсий партиялар таркибида эса 49 фоизга етиб, Ўзбекистон бу кўрсаткич бўйича халқаро рейтингларда етакчи мамлакатлар қаторидан жой олди. Хусусан, Парламентлараро Иттифоқ томонидан юритиладиган “Парламентдаги аёллар” рейтингида республикамиз 193 та мамлакат орасида 35-ўринга кўтарилди.

Ижро ҳокимияти тизимида раҳбар аёллар сафининг кенгайиши ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидаги иштирокининг ортиши давлат томонидан қарорлар қабул қилинишида инклюзивликни таъминламоқда.

Олий таълим муассасалари талабалари орасида аёллар улуши кескин ортгани, жумладан, магистратурада таҳсил олаётган хотин-қизларнинг сони охирги беш йилда 11 каррага кўпайганини ислоҳотларимизнинг муҳим стратегик натижаси деб биламиз.

Айниқса, юртимизда хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш тараққиётнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. 2025 йилда 2,6 миллион нафар хотин-қизнинг даромадли меҳнат билан банд бўлишига кўмаклашилди. Ўзбекистон жорий йилда “Аёл, бизнес ва қонун” халқаро индексида ўз позициясини 43 поғонага яхшилаб, 190 та давлат ўртасида 48-ўринни эгаллаганини мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Ҳурматли форум қатнашчилари!

Бугунги мураккаб даврда хотин-қизларнинг иқтисодиётдаги иштироки ҳамда улушини кескин ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги таъсирини кучайтириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш долзарбдир. Бу борада давлатларимиз тадбиркор хотин-қизлари ўртасидаги кўп қиррали шерикликни кенгайтириш, бизнес форумлар ва халқаро тренинглар ўтказиб борилишидан манфаатдормиз.

Шунингдек, мамлакатларимиз ишбилармон аёллари имкониятларини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган сунъий интеллект ва рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини ўргатувчи, янги стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи платформа ташкил этиш таклифини илгари сурамиз.

Эртага бутун дунёда “Халқаро оила куни” кенг нишонланади. Шарқ давлатларида жамиятнинг мустаҳкам пойдевори, қўрғони бўлган оилавий қадрият ва анъаналарини безавол сақлаш сўнгги йилларда тобора долзарб масалага айланиб бормоқда. Мазкур форум доирасида мамлакатларимиздаги оила институтини тадқиқ этиш бўйича илмий муассасалар тармоғини шакллантириб, энг илғор тажрибаларни ўзаро алмашиш албатта ўзининг кутилган самарасини беради.

Умуман олганда, мазкур форум келгусида Осиёда барча даражада қарорлар қабул қилиш жараёнида аёлларнинг ролини оширадиган сермаҳсул мулоқот майдонига айланиши шубҳасиз. Шу маънода, ушбу анжуман доирасида сизлар барқарор тараққиётни таъминлаш борасида янги ташаббус ва эзгу ғояларни фаол илгари суришингизга қатъий аминман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат ва омад, шарафли фаолиятингизда зафарлар, форум ишига муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 15 май куни амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Давлатимиз раҳбари Туркистон шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг “Сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш” мавзусидаги норасмий саммитида иштирок этади.

Тадбир давомида кўп томонлама ҳамкорликни, биринчи навбатда, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт-коммуникация ва экология соҳаларида ҳамда рақамли инфратузилмани ривожлантириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва сунъий интеллектни амалда қўллашни янада кенгайтириш хусусида сўз юритилади.

Делегациялар раҳбарлари халқаро ва минтақавий кун тартибидаги долзарб масалаларни ҳам муҳокама қиладилар.

Тадбир якунида Туркистон декларацияси қабул қилиш кўзда тутилган.

ЎзА

Кубаничбек ОМУРАЛИЕВ: “ТУРКИСТОН САММИТИ ТУРКИЙ ДУНЁ РАҚАМЛИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ЯНГИ ДАРАЖАГА ОЛИБ ЧИҚАДИ”

Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида бўлиб ўтадиган Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммити арафасида “Дунё” АА мухбири Ташкилот бош котиби Кубаничбек ОМУРАЛИЕВ билан бўлажак йиғилиш кун тартибидаги долзарб масалалар хусусида суҳбатлашди.

— Тил, тарих ва маданий умумийлик асосида ташкил этилган Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) бугунги кунда замонавий муаммоларни биргаликда ҳал қилишга қаратилган муҳим тузилмага айланмоқда. Ҳозирги пайтда Ташкилот фаолиятининг қайси устувор йўналишлари биринчи ўринга чиқмоқда ва Туркистонда бўлиб ўтадиган норасмий саммитдан қандай амалий натижалар кутиляпти?

— Бугун Туркий давлатлар ташкилоти, эҳтимол, ўз тараққиётининг энг жадал босқичини бошдан кечирмоқда. Сўнгги йилларда ТДТ сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди ва тизимли ҳамда узоқ муддатли фаолиятга ўтганини намоён қилди. Бу, айниқса, сўнгги саммитлар якунларида рақамли иқтисодиёт, транспорт ўзаро боғлиқлиги, савдо ва гуманитар ҳамкорлик соҳаларида аниқ қарорлар қабул қилинганида яққол кўринди.

Ташкилот фаолияти иқтисодиёт, савдо, транспорт ва қишлоқ хўжалигидан тортиб, рақамли иқтисодиёт, “яшил” энергетика, таълим, фан ва ҳатто космик тадқиқотларгача бўлган 60 дан ортиқ йўналишни қамраб олган.

Фаолиятимизда “Туркий дунё нигоҳи — 2040”, ТДТнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган стратегияси ва Туркий дунё хартияси узоқ муддатли ишларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Айнан шу ҳужжатлар Ташкилотимиз ривожининг муҳим йўналишларини белгилаб беради. Шу билан бирга, асосий эътибор тобора амалий масалаларга — Ўрта коридорни ривожлантириш, транспорт боғлиқлиги, савдо жараёнларини соддалаштириш, рақамли трансформация ва энергетик ҳамкорликка қаратиляпти.

Давоми 2-бетда

ИНТЕНСИВ САНОАТЛАШГАН БОҒЛАР БЎЙИЧА АНИҚ ЛОЙИҲАЛАР ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларда интенсив саноатлашган боғларни кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ва қишлоқ аҳолисини даромадли қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда юртимизда 572,6 минг гектар боғ ва токзор мавжуд бўлиб, улар йилига 1 миллиард долларлик экспортни таъминламоқда, 882 минг нафар аҳолининг даромад манбаига айланган.

Шу билан бирга, ер ва сув ресурслари чекланган ҳозирги шароитда соҳадаги ўсишни фақат майдонларни кенгайтириш ҳисобидан эмас, балки ҳар бир гектардан олинадиган ҳосилдорлик ва даромадни ошириш орқали таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон 2030 йилга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини 10 миллиард долларга етказишни мақсад қилган. Бунда интенсив, саноатлашган боғдорчиликни кенгайтириш муҳим омил бўлади.

Йиғилишда мавжуд боғ ва токзорлар ҳолати таҳлил қилинди. Ҳозирда 61 минг гектар эскирган ва 18 минг гектар яроқсиз боғларни янгилаш зарур. Айрим ҳудудларда бундай майдонлардан гектарига борйўғи 5 тонна ҳосил олинмоқда, йиллик даромад эса 10 миллион сўмга ҳам етмаяпти.

Мисол учун, Поп туманида 1 минг 200 гектар эски ва яроқсиз боғлар мавжуд. Агар улар ўрнида экспортбоп навлар экилиб, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш бўйича агрологистика марказлари ташкил этилса, ҳосилдорлик ва даромадни бир неча баробар ошириш мумкин. Мазкур туманда 84 гектарда барпо этилган экспортбоп гилос боғи тажрибаси ҳам интенсив боғдорчиликнинг амалий натижасини кўрсатмоқда. Ҳали тўлиқ ҳосилга кирмаган ёш кўчатлардан ҳам гектарига 7 тоннадан ҳосил олиниб, бир килограмм маҳсулот 8 доллардан экспорт қилинмоқда.

Шу боис, эски ва яроқсиз боғлар билан ишлаш бўйича янги тартиб жорий этиш таклиф қилинди. Бу жараёнда Агросаноатни ривожлантириш агентлиги боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш, саноатлашган боғлар барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш бўйича хулоса беради. 12 ой давомида саноатлашган боғ барпо этилмаган майдонлар учун ер ва сув солиғи ставкасини ошириш, бу ҳолат яна 12 ой давом этса, сувдан фойдаланишни чеклаш таклиф этилди.

Президентимиз ердан самарали фойдаланиш устидан назоратни рақамлаштириш зарурлигини таъкидлади. Эскирган ва янги саноатлашган боғлар ҳолатини космик тасвирлар орқали мониторинг қилиш бўйича ахборот тизимини ишга тушириш топширилди.

Томорқа ва деҳқон хўжаликларидаги эски боғларни янгилаш ҳам эътибордан четда қолмаслиги кераклиги кўрсатиб ўтилди. Бунинг учун маҳалла банкири орқали аҳолига 50 донагача кўчат ёки 2 миллион сўмгача қарз бериш, деҳқон хўжаликларига эса эскирган боғларни янгилаш учун 150 миллион сўмгача кредит ажратиш таклиф қилинди.

2026-2028 йилларда 168 минг гектар саноатлашган боғ ва токзорлар ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг ҳисобига 2 миллиард доллар инвестиция жалб қилиниб, 258 мингта иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Бундай лойиҳаларни молиялаштириш ва амалий қўллаб-қувватлаш учун 9 та тижорат банки ҳудудларга бириктирилади. Улар саноатлашган боғларни тадбиркорларга тайёр ҳолда топшириш билан бирга икки йил давомида агротехник, молиявий ва ташкилий жиҳатдан кузатиб боради.

Йиғилишда интенсив боғ ташкил қилмоқчи бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида тизим жорий этилиши белгиланди. Жойлардаги “Агростар” компаниялари тадбиркорлар билан улуш-дорлик асосида ҳамкорлик қилади. Бунда “Агростар” компаниялари устав капиталининг 50 фоизигача қисмида пул маблағи билан, тадбиркор эса ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи билан иштирок этади.

Тадбиркорларга “Агростар” компанияси улушини қайта баҳоламасдан 7 йил ичида бўлиб-бўлиб сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Бу тизим эски боғ эгаларини ҳам манфаатдор қилади: улар янгиланган боғлардан ортгирган даромади ҳисобидан улушни босқичма-босқич сотиб олиб, кейинчалик интенсив боғга тўлиқ эгалик қилиши мумкин бўлади.

Бундай лойиҳаларга банклар томонидан ҳар бир гектар учун 120 миллион сўмгача кредит ажратилади. Кредит вақтида қайтарилса, фоиз ставкасининг ярми компенсация қилинади. Шунингдек, саноатлашган боғларнинг парваришлаш харажатлари учун 3 йил давомида ҳар гектарга 5 миллион сўмдан субсидия берилади.

Сув тежовчи технологиялар, мевали кўчат ва қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун тадбиркорлар ислом молияси хизматларидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Президентимиз йиғилишда сўзга чиққан тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади. Уларнинг етиштирилган ёки импорт қилинган мевали кўчатлар ва пайвандтаглар учун қўшилган қиймат солиғини ноль ставкада қўллаш, сув тежовчи технологиялар ўрнатилган саноатлашган боғларда қудуқлардан олинадиган сув учун солиқни 5 йил муддатга 1 сўм этиб белгилаш ҳақидаги таклифларини маъқуллади.

Мутасаддиларга эски ва самарасиз боғларни янгилаш, саноатлашган боғлар бўйича аниқ лойиҳаларни шакллантириш, банклар, ҳокимликлар ва тадбиркорлар ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш, ҳар бир ҳудудда экспортбоп навлар, агрологистика ва қайта ишлаш қувватларини ривожлантириш юзасидан топшириқлар берилди.

ЎзА

ҚАДРИЯТЛАР ҚЎРҒОНИ, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИ МАНБАИ

“Оиламиз – келажагимиз” ойлиги ўтказилмоқда

Дунёнинг қайси бурчагига борманг, қайси цивилизациянинг тарихини варақламанг, барчасида бир ҳақиқат муштарак: жамият ва давлатнинг куч-қудрати оиладан бошланади. Шу мўъжазгина маконда улкан бунёдкорлик ғоялари туғилади, келажак эгалари камол топади. Демакки, мамлакатнинг эртанги куни шу кичик қўрғон соҳибу соҳибаларига чамбарчас боғлиқ.

Оила — авлодлар орасида мустаҳкам кўприк, қадриятлар асралувчи олтин қўрғон, муҳим ижтимоий институт. Шу боис, ҳеч қайси давлат бу асрий тузилмага беэътибор қарай олмайди. Янги Ўзбекистонда эса бу масалада аниқ ва изчил сиёсат юритилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Осиё хотин-қизларининг иккинчи форуми иштирокчиларига йўллаган мурожаатида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, пировардида оилалар фаровонлигига кўмаклашиш янги Ўзбекистон ислоҳотларининг устувор йўналишига айлангани таъкидланиб, оила институтини тадқиқ этиш бўйича илмий муассасалар тармоғини шакллантириш, шунингдек, энг илғор тажрибаларни ўзаро алмашиш кутилган самарани беражагига ишонч билдирди.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН – ТДТ: КЕНГ КЎЛАМЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ САРИ

2026 йил 15 май куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилотининг Туркистон шаҳрида бўлиб ўтадиган норасмий саммитида иштирок этади.

Бўлажак олий даражадаги тадбир ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш ва аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг кейинги устувор йўналишларини белгилаш учун муҳим майдонга айланади.

Туркий интеграция маконининг шакллaниши кўп йиллик тарихга эга бўлиб, у нафақат тил, маданият ва тарихий мерос муштараклигига, балки туркий халқларнинг бой маърифатпарварлик ва интеллектуал тафаккур анъаналарига ҳам таянади. XIX аср охири — XX аср бошларидаги жадидчилик ҳаракати маданий ва маънавий яқинлашув ғоялари шаклланишида алоҳида ўрин тутди. Унинг намояндалари таълим, илм-фан, жамиятни модернизациялаш ва туркий халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш тарафдори бўлган.

Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг биринчи саммити 1992 йилда Туркия Бош вазири Тургут Ўзал ташаббуси билан Анқара шаҳрида ўтказилган. 1996 йилги Тошкент декларациясида давлат раҳбарлари котибият тузиш тўғрисидаги қоидани мустаҳкамлаб қўйган. Кейинги йилларда мазкур формат изчил ривожланиб, 2009 йилда Нахичеванда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ташкил этилди. 2021 йилда Истанбул саммитида тузилмани Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу ташкилот фаолияти кенгайиши ва халқаро аҳамияти ортиб бораётганини акс эттирди.

Давоми 2-бетда

Мазкур ташаббусларнинг барчаси битта умумий мақсадга қаратилган — туркий маконни янада жипслашган, рақобатбардош ва иқтисодий жиҳатдан барқарор ҳудудга айлантириш. Бугун биз ТДТ доирасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилаётганини кўриб турибмиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 15 май, 98-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Кубаничбек ОМУРАЛИЕВ: “ТУРКИСТОН САММИТИ ТУРКИЙ ДУНЁ РАҚАМЛИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ЯНГИ ДАРАЖАГА ОЛИБ ЧИҚАДИ”

Бошланиши 1-бетда

Гуманитар йўналиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки айнан у таълим, маданият ва ёшлар лойиҳалари орқали жамиятларимизни яқинлаштириш учун узоқ муддатли асос яратади.

Шунинг учун Туркистондаги бўлажак саммит алоҳида аҳамият касб этади. Унинг марказий мавзуларидан бири сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш экани жуда муҳим. Айнан шу йўналишлар бугун иқтисодиёт, хавфсизлик ва давлатларнинг халқаро рақобатбардошлигига таъсир кўрсатмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ташкилот доирасида илгари сурилган ташаббусларнинг долзарб эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Жумладан, келажак иқтисодиётини кенг жорий этишга қаратилган “Рақамли туркий дунё” концепциясини ишлаб чиқиш, шунингдек, сунъий интеллект ва креатив иқтисодиёт соҳасидаги лойиҳалар бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилиш ташаббуслари ТДТ доирасидаги ҳамкорлик устувор йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Туркистоннинг учрашув майдони сифатида танлангани ҳам жуда муҳим. У туркий дунёнинг маънавий ва тарихий марказларидан бири бўлиб, авлодлар ворисийлиги ва умумий маданий меросимизнинг рамзи ҳисобланади.

Туркистонда рақамлаштириш, инновациялар ва технологик ҳамкорлик соҳаларида аниқ келишувларга эришилади деб умид қилмоқдамиз. Саммитнинг асосий якунларидан бири Туркистон декларациясининг қабул қилиниши бўлиши кутилмоқда. У яқин йиллардаги ҳамкорлик устувор йўналишларини белгилаб, Ташкилот ривожига қўшимча туртки беради.

— Бугун ТДТга тобора муҳим минтақавий платформа сифатида қаралмоқда. Туркий давлатлар ўртасида транспорт-логистика коридорлари, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун ташкилот қандай аниқ механизм ва ташаббусларни илгари сурмоқда?

— Бугун ТДТнинг асосий вазифаларидан бири туркий маконнинг улкан салоҳиятини мамлакатларимиз ва фуқароларимиз учун реал иқтисодий имкониятларга айлантиришдир.

Минтақанинг салоҳияти ҳақиқатан жуда катта. Бу ҳудуд тахминан 175 миллион аҳолини бирлаштиради. ТДТнинг Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасидаги муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани учун ялпи ички маҳсулоти 2,4 триллион АҚШ долларидан ошди. Шу боис, транспорт боғлиқлиги ва иқтисодий интеграция масалалари Ташкилот кун тартибида марказий ўринни эгаллайди.

Асосий йўналишлардан бири Транскаспий халқаро транспорт маршрути, яъни Ўрта коридорни ривожлантириш бўлиб қолмоқда. Ҳозирги шароитда унинг аҳамияти янада ортди. Глобал логистикадаги ўзгаришлар ва айрим минтақалардаги беқарорлик Осиё ва Европа ўртасидаги ишончли ҳамда диверсификация қилинган маршрутларга бўлган талабни кучайтирмоқда.

Бугун Ўрта коридор шунчаки муқобил йўналиш эмас. Амалда Осиё ва Европа ўртасида янги барқарор транспорт архитектураси шаклланяпти.

Натижалар аллақачон намоён бўлмоқда. 2025 йилда Ўрта коридор орқали юк ташиш ҳажми 62 фоизга ошиб, 2023 йилдаги 2,7 миллион тоннадан 4,7 миллион тоннага етди. Кўрилаётган чоралар 2030 йилгача унинг ўтказувчанлик қобилиятини йилига 10 миллион тоннагача ошириш имконини беради.

Сўнгги йилларда ТДТга аъзо давлатлар транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, Каспий денгизи портлари қувватини кенгайтириш, темир йўл тармоқлари ва мультимодал ташувларни ривожлантиришга фаол инвестиция киритмоқда. “Боку — Тбилиси — Карс” темир йўли бугуннинг ўзида самарали мисол бўлиб, транзит оқимини сезиларли даражада оширди ва юк етказиб бериш муддатини қисқартирди.

“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли лойиҳаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. У Ўрта коридорга тўғридан тўғри уланишни таъминлаб, савдо ва минтақавий интеграция учун янги имкониятлар очади. Зангезур коридорини ривожлантириш ва “Карс — Игдир — Аралиқ — Дилужу” темир йўл линияси қурилиши ҳам қўшимча туртки бермоқда.

Бироқ инфратузилма ишнинг фақат бир қисми. Ташув жараёнларини соддалаштириш ва чегарадан ўтишни тезлаштириш ҳам муҳим. Шунинг учун ТДТ доирасида e-Permit, e-CMR ва e-TIR каби рақамли

ечимлар фаол жорий этилмоқда. Улар чегара кесиб ўтиш жараёнларини тезлаштириш ва маъмурий тўсиқларни камайтиришга хизмат қилади.

E-Permit тизими ташкилот доирасида муваффақиятли қўлланилмоқда. E-TIRни жорий этиш ишлари аъзо давлатларнинг божхона хизматлари билан яқин ҳамкорликда олиб борилмоқда. E-CMR бўйича ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Озарбайжон ва Туркия пилот лойиҳаларни амалга оширмоқда, Бишкекда имзоланган Англашув меморандуми эса мазкур механизмни кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратди.

Транспорт йўналиши билан бир қаторда инвестиция ва иқтисодий ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада асосий воситалардан бири капитали 600 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи Туркий инвестиция жамғармаси бўлди. Унинг вазифаси ўзаро инвестицияларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, инновацияларни рағбатлантириш ва айниқса, кичик ҳамда ўрта бизнес соҳасидаги қўшма лойиҳаларни молиялаштиришдан иборат.

Шу билан бирга, Туркий давлатлар савдо-саноат палаталари иттифоқи орқали бизнес доиралари ўртасидаги ҳамкорлик кучаймоқда. Биз бу тузилмани янада самарали платформага айлантириш учун институционал жиҳатдан ривожлантириш устида ишлаяпмиз.

Ўтган йили ташкил этилган “Turkic Investment Promotion Network” — Туркий инвестицияларни рағбатлантириш тармоғи ҳам муҳим янги механизмга айланди. У инвестициявий ҳамкорлик, инновациялар ва барқарор иқтисодий ўсишни ривожлантиришга қаратилган.

ТДТ молиявий соҳадаги ҳамкорликни ҳам кенгайтирмоқда. Ўтган йили ТДТ Марказий банклари кенгаши ва Туркий “яшил” молия кенгашининг дастлабки йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу платформалар молиявий технологиялар, тўлов тизимлари, капитал бозорлари ва барқарор иқтисодиёт соҳаларида мувофиқлашув учун янги имкониятлар яратмоқда.

Молиявий разведка ва монополияга қарши тузилмалар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам ривожлантирилмоқда. Бу иқтисодий муҳитнинг шаффофлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлайди.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бишкек саммити доирасида Рақамли иқтисодиёт бўйича шериклик келишувининг имзоланиши электрон тижоратни ривожлантириш ва мамлакатларимиз ўртасида рақамли транзакцияларга бўлган ишончни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Мазкур ташаббусларнинг барчаси битта умумий мақсадга қаратилган — туркий маконни янада жипслашган, рақобатбардош ва иқтисодий жиҳатдан барқарор ҳудудга айлантириш. Бугун биз ТДТ доирасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилаётганини кўриб турибмиз.

— Туркистон саммитининг марказий мавзуларидан бири сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш деб эълон қилинди. Сизнингча, рақамлаштириш туркий макон интеграциясининг янги драйверига айланиши мумкинми?

— Ҳа, рақамлаштириш ҳақиқатан туркий макон интеграциясининг асосий драйверларидан бирига айланиши мумкин. Бугун рақамли технологиялар деярли барча соҳаларга кириб борган, шунинг учун ТДТ учун бу келажак кун тартиби эмас, балки бугунги реал воқеликдир.

Шу боис, Туркистондаги бўлажак саммит мавзуси жуда долзарб. Биз рақамли трансформацияни иқтисодиётларимиз рақобатбардошлигини ошириш, инновацияларни ривожлантириш ва аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш воситаси сифатида кўрмоқдамиз.

Бугуннинг ўзидаёқ ТДТ доирасида рақамли инфратузилмани ривожлантириш, замонавий технологик ечимларни жорий этиш ва мамлакатлар ўртасида рақамли ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Сунъий интеллект, технология алмашинуви, стартап-экотизимларни ривожлантириш ва малакали кадрлар тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу борада ТДТ давлатларида жиддий инсон капитали, таълимий ва технологик салоҳият мавжуд.

Энг муҳими, рақамлаштириш мамлакатларимиз жамиятлари ўртасидаги масофани қисқартиришга ёрдам бермоқда. Ёшлар рақамли муҳит орқали тобора фаол мулоқот қилмоқда ва айнан шу муҳитда ҳамкорликнинг янги макони шаклланмоқда.

Агар мавжуд имкониятларни самарали бирлаштира олсак, рақамлаштириш яқин йилларда туркий макон интеграциясининг энг кучли ва узоқ муддатли драйверларидан бирига айланиши мумкин.

— ТДТ гуманитар ҳамкорлик йўналишини ҳам фаол кенгайтирмоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида умумий маданий ва таълимий макон қандай шаклантирилмоқда ва ягона ахборот муҳитни яратиш бўйича янги қўшма лойиҳалар кутиш мумкинми?

— Бугун ТДТ гуманитар ҳамкорлик йўналишини тобора кучайтирмоқда. Бу ишларнинг марказида амалиётга йўналтирилган ва мунтазам тус олган ёшлар ҳамда таълим ташаббуслари турибди. Жумладан, Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган III Туркий университетларо 500 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашди. Бу ёшларнинг фаол жалб этилаётганини кўрсатади.

Шунингдек, Олмаотада Туркий дунё ёшлар марказининг ишга туширилиши, Тошкентда Диаспора ёшлари форуми, Габалада Спорт волонтёрлари форуми ва Истанбулда Туркий Қизил тармоқ лагери каби ташаббуслар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йўналишни давом эттирган ҳолда жорий йилда Хивани Туркий дунё ёшлар пойтахти деб эълон қилиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда Туркий дунё креатив ёшлар марказини ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатларимиз ёшлари ўртасида жонли ҳамкорлик тармоғини яратмоқда.

Таълим соҳасидаги алоқалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада 170 дан ортиқ олий таълим муассасасини бирлаштирган Туркий университетлар иттифоқи — TURKUNIB муҳим ўрин тутади. Ўзбекистоннинг 2025-2026 йилларда иттифоққа самарали раислик қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

“Орхун” академик мобиллик дастури ҳам алоҳида аҳамиятга эга. У талабалар ва ўқитувчилар алмашинувини таъминлаб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва умумий таълим маконини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Медиа ва рақамли муҳитнинг роли ҳам ортиб бормоқда. Бугун ТДТ мамлакатлари ёшлари онлайн платформалар, ижтимоий тармоқлар ва қўшма ахборот лойиҳалари орқали тобора фаол мулоқот қилмоқда. Бу эса туркий дунёнинг умумий ахборот макони шаклланишига хизмат қилмоқда.

Ёшлар, университетлар, маданий ва гуманитар институтлар ўртасидаги алоқалар кенгайган сари туркий дунёнинг ягона маданий ва ахборот макони ҳам босқичма-босқич шаклланиб бормоқда. Мазкур жараён табиий ва изчил тарзда — аниқ лойиҳалар, институционал ҳамкорлик ва инсонлар ўртасидаги жонли мулоқот орқали ривожланмоқда.

Энг муҳими, бу мустаҳкам тарихий-маданий асосга таянади. Масалан, Ўзбекистон туркий цивилизация ва бой тарихий мероснинг асосий бешикларидан бири ҳисобланади. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Андижон каби қадимий шаҳарлар нафақат тарихий марказлар, балки туркий дунёнинг замонавий маданий маконининг муҳим қисми ҳамдир.

Шу маънода, 2026 йилда Андижоннинг Туркий дунё маданий пойтахти деб эълон қилиниши ҳам рамзий аҳамиятга эга. Андижон бой тарихий мерос ва замонавий тараққиёт руҳини уйғунлаштирган қадимий шаҳар сифатида алоҳида ўрин тутади. Шу муносабат билан шу йил июнь ойи ўрталарида Андижон шаҳрида тегишли тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Андижоннинг яна бир муҳим жиҳати у буюк туркий саркарда, давлат арбоби ва машҳур шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ватани эканидир. Бобур шахси ёшларимиз учун ҳар томонлама баркамол авлод тимсоли сифатида илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Шу тариқа ТДТ доирасидаги гуманитар ҳамкорлик икки йўналишда — замонавий амалий лойиҳалар ва умумий тарихий-маданий мерос асосида ривожланмоқда. Улар биргаликда туркий дунё мамлакатлари ва халқларининг янада яқинлашуви учун мустаҳкам замин яратмоқда.

“Дунё” АА
Истанбул шаҳри

> **“ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ҲАМ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. БУ БОРАДА 170 ДАН ОРТИҚ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ БИРЛАШТИРГАН ТУРКИЙ УНИВЕРСИТЕТЛАР ИТТИФОҚИ — TURKUNIB МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2025-2026 ЙИЛЛАРДА ИТТИФОҚҚА САМАРАЛИ РАИСЛИК ҚИЛАЁТГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМ.**

ЎЗБЕКИСТОН — ТДТ: КЕНГ КЎЛАМЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Бошланиши 1-бетда

Ташкилот фаолиятининг асосий мақсади аъзо давлатлар — Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Устувор вазифалар қаторига ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсий позицияларни мувофиқлаштириш, шунингдек, савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш киради. Савдо ва инвестициялар учун қулай шароит яратиш, илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш ва минтақа аҳолиси турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ТДТнинг ташкилий тузилмаси кўп томонлама ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи қатор муҳим институтларни ўз ичига олади. Давлат раҳбарлари кенгаши олий орган ҳисобланиб, у ривожланишнинг стратегик йўналишларини белгилайди ва мунтазам равишда йиғилишлар ўтказади. Маслаҳатчи вазифасини Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши бажаради. У аъзо давлатларнинг нуфузли вакилларини бирлаштириб, туркий дунёда ўзаро англашув ва ишонч анъаналарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон аввалдан туркий давлатларни яқинлаштириш ва мазкур форматда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлиб келган. Янги бурилиш нуқтаси сифатида Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 3 сентябрь куни Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида туркий тилли давлатлар VI саммитида фахрий меҳмон сифатида иштирок этганини қайд этиш мумкин. Бу қадам ташкилот ривожига янги туртки берди. 2019 йилда республика Нахичеван битимини ратификация қилиб, ТДТ фаолиятидаги тўлақонли иштирокини расман мустаҳкамлади.

Ўзбекистоннинг қўшилиши билан ташкилот фаолияти ва аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик кун тартиби сезиларли даражада фаоллашди. 2019-2025 йилларда ўтган саммитларда Ўзбекистон Президенти томонидан кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган 116 та ташаббус илгари сурилди. Ҳозирги кунга қадар уларнинг 64 таси амалга оширилди, яна бир қатор лойиҳалар якуний босқичда турибди. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистоннинг туркий макондаги интеграция жараёнларини ривожлантиришга нисбатан тизимли ва амалий ёндашувини кўрсатади.

Амалга оширилган ташаббуслар кенг қамровли йўналишларни ўз ичига олади. Иқтисодиёт ва транспорт соҳасида логистика жараёнларини соддалаштириш ҳамда минтақанинг транзит салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган “e-Permit”, “рақамли TIR” ва “яшил йўлак” тизимларини жорий этиш алоҳида аҳамият касб этди. Туризм соҳасида Қўқон шаҳрининг туркий дунё туризм пойтахти деб эълон қилиниши ва зиёрат туризмини ривожлантиришга хизмат қилувчи “Табаррук зиёрат” лойиҳаси амалга оширилиши муҳим воқеалардан бўлди.

Ёшлар сиёсати, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Ёш етакчилар форумлари, халқаро конференциялар ва Туркий университетлар уюшмаси доирасида тадбирлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга, инновацион ривожланишга катта эътибор қаратилмоқда — IT форумлар, стартап майдонлари ва соҳавий идоралар учрашувлари, жумладан, космик соҳада ва мудофаа саноатидаги ҳамкорлик ташкил этилмоқда. Бу иштирокчи давлатларнинг ягона технологик маконни шакллантиришга интилишини акс эттиради.

Туркий давлатлар ташкилотини ривожлантиришда 2022 йил Самарқанд саммити якунларига кўра бошланган Ўзбекистон раислиги алоҳида аҳамиятга эга. Айни даврда мамлакат нафақат амалий ҳамкорликни фаоллаштирди, балки ташкилот фаолиятига институционал янгиликлар ҳам киритди. Хусусан, илк бор раислик даври учун комплекс концепция ва тадбирлар режасини ишлаб чиқиш амалиёти жорий этилди. Бу ҳамкорликка янада тизимли ва изчил тус бериш имконини яратди. Раислик доирасида иқтисодиёт ва транспортдан тортиб, илм-фан, маданият ва таълимгача бўлган асосий соҳаларни қамраб олган турли даражадаги 100 дан ортиқ тадбир ўтказилди.

Бугунги кунда ТДТ кун тартиби барча иштирокчи давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилмоқда ва ҳар бир давлат интеграция жараёнлари ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

ТДТ доирасидаги иқтисодий ҳамкорлик барқарор ижобий ўсишни намоён этмоқда. Сўнгги йиллар якунларига кўра, Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажми изчил ошиб бормоқда ва 2025 йилда 10,8 миллиард АҚШ долларидан ошди. Қозоғистон ва Туркия мамлакатимизнинг асосий савдо шериклари бўлиб қолмоқда. Бошқа аъзо давлатлар билан ҳам ўзаро савдо ҳажми ўсиши кузатилмоқда. Бу эса иқтисодий интеграция ва минтақадаги кооперация алоқалари чуқурлашаётганини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, Туркий давлатлар ташкилотининг Туркистон шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги саммити кўп томонлама ҳамкорликнинг кейинги йўналишларини муҳокама қилиш ва янги қўшма ташаббусларни ишлаб чиқиш учун муҳим майдон бўлади. Саммит мавзусидан келиб чиққан ҳолда рақамли трансформация, қўшма инновацион экотизимларни ривожлантириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, рақамли инфратузилма соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда замонавий юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, транспорт-логистика ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, туркий макон доирасида қўшма юқори технологияли ва инновацион лойиҳаларни илгари суриш масалалари ҳам муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Экспертлар фикрича, Ўзбекистон туркий маконда амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш тарафдори сифатида ташкилотнинг умумий мақсадларини амалга оширишга бундан буён ҳам фаол кўмаклашади. Кутилаётган келишув ва ташаббуслар интеграция жараёнларига янги суръат бағишлаши, минтақанинг барқарор ривожланишига хизмат қилиши ҳамда Туркий давлатлар ташкилотининг халқаро нуфузини янада ошириши кутилмоқда.

“Дунё” АА

> **“Ўзбекистон аввалдан туркий давлатларни яқинлаштириш ва мазкур форматда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлиб келган. Янги бурилиш нуқтаси сифатида Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 3 сентябрь куни Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида туркий тилли давлатлар VI саммитида фахрий меҳмон сифатида иштирок этганини қайд этиш мумкин. Бу қадам ташкилот ривожига янги туртки берди.**

15 май — Халқаро оила куни

ҚАДРИЯТЛАР ҚЎРҒОНИ, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИ МАНБАИ

“Оиламиз – келажагимиз” ойлиги ўтказилмоқда

Зулайҳо МАҲКАМОВА,
Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Ҳар йили май ойи бутун жонажон ватанимиз учун яна бир янги маъно касб этади: 15 май — Халқаро оила куни. Айнан шу сана муносабати билан мамлакатимизда “Оиламиз — келажагимиз” ойлиги эълон қилинган. Ойликнинг мақсади чуқур, моҳияти кенг: фаровон ва барқарор оилаларнинг тажрибасини оммалаштириш, ёшларнинг оилавий ҳаётга масъулиятини ошириш ҳамда оила институтини янада юксалтириш.

Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлиси баёни билан белгиланган ушбу ойлик оила институтига стратегик ёндашув ўлароқ, Ўзбекистоннинг янгиланган Конституцияси, амалдаги қонунчилик ва ижтимоий сиёсатни ҳам ўзида мужассам этади.

Ўзгариш ва ислоҳотлар, олинаётган баланд марралар бугун 10 миллиондан ортиқ оиланинг барида ўз аксини кўрсатмоқда. Йил сайин оилавий корхоналар сони ортаётгани, тадбиркор, омилкор оилалар сафи кенгаяётгани, дунёнинг манаман деган етакчи дорилфунунларида ўқиб, илм урфонида чўққиларни забт этаётган маърифати юксак фарзандларимиз зиёли оилаларда вояга етаётгани фикримизни яна бир карра далиллайди.

“Оиламиз — келажагимиз” ойлиги доирасида ибратли оилаларни излаб топиш, рағбатлантириш ҳамда бой ҳаётий тажрибасини оммалаштириш мақсад қилинган. Узоқ йиллар давомида аҳил-иноқ яшаб, фарзандларини ватанпарвар ва маърифатли инсонлар этиб тарбиялаган оилалар — давлатнинг энг катта бойлиги. Уларнинг ҳаёт йўли ёш авлодга йўлчироқ вазифасини ўтайди.

Шу боис, “Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи” кўрик-танлови ҳудудларда катта иштиёқ ва шукуҳ билан ўтказилмоқда. Танлов китобхонлик, ҳунармандлик, тадбиркорлик, соғлом турмуш тарзи, томорқадан унумли фойдаланиш, энг муҳими, фарзанд тарбиясига масъулият каби йўналишларни қамраб олади. Бу йўналишларнинг ҳар бирида юртимиз ривожи учун долзарб ҳисобланган ижтимоий масалалар ўрин олган. Танлов доирасида оилаларнинг ҳаётий тажрибаси, фарзанд тарбиясига ёндашуви, оиладаги маънавий муҳит, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат анъаналарига эътибор қаратилади.

Ҳарбий хизматчилар оилаларида соғлом маънавий муҳит, ватанпарварлик, садоқат ва оилавий бирдамликни кенг тарғиб қилиш мақсадида “Янги Ўзбекистоннинг ибратли ҳарбий оилалари” кўрик-танловини ташкил этиш белгиланган. Ушбу ташаббус ватан ҳимоячилари оилаларидаги фидойилик, сабр-матонат ва ибратли тарбия муҳитини кенг жамоатчиликка етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Ойлик доирасида садоқат, ўзаро ҳурмат, фарзанд тарбиясида масъулият, маҳалла ва жамоат ишларида фаоллик, миллий қадриятларга содиқлик каби фазилатлари билан намуна бўлаётган оилаларни **“Ибратли оила” кўкрак нишони** билан тақдирлаш маросимини юқори савияда ташкил этиш назарда тутилган.

Ўтган йили кўкрак нишонига муносиб кўрилган икки мингта файзли хонадоннинг дарвозасини ушбу нишон безаб турибди. Ибратли оилалар кўчасидан ўтиб-қайтган киши борки, нишонга ҳавас билан қарайди, ўзининг оиласи ҳам бу шарафга лойиқ бўлиши учун янги қадамлар ташлайди. Жорий йилда ҳам икки мингта оила мазкур юксак нишон билан тақдирланади.

Бугун оилани асраб-авайловчи, барча каттаю кичикни ўз атрофида бирлаштирувчи аёллар меҳнати ҳам муносиб баҳоланмоқда. Жорий йилда таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, тадбиркорлик ва ижтимоий соҳаларда фидойилик билан хизмат қилган 351 хотин-қизга “Мўътабар аёл” кўкрак нишони топширилди. Марказий шаҳарлардан тортиб, чекка қишлоқ ва овулларгача — оила ва жамият барқарорлигига муносиб ҳисса қўшаётган бу фидойи аёллар сафида маҳалланинг виждони, оилаларнинг тотувлик тимсоли бўлган опа-сингилларимиз бор. Президентимизнинг “Маърифатли жамиятни маърифатли оналарсиз қуриб бўлмайди!” деган ғояси айнан шу нишоннинг моҳиятида мужассам. Мукофотланган ҳар бир аёл сиймосида оиланинг, маҳалланинг, юртнинг ифтихорини кўргандек бўламиз.

Эндигина тетапоя бўлиб келаётган, олдига улкан марраларни қўйиб кечагина янги ҳаёт бошлаган ёш оилалар четда қолган эмас. Бундай оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларда соғлом оилавий муҳит, масъулиятли ота-оналик, ўзаро ишонч ва меҳр-оқибат тамойилларини мустаҳкамлаш мақсадида **“Энг намунали ёш оила”** танлови ўтказилади. Бу танлов эса муносибларни жамиятда фаол, маънавиятли, ватанпарвар ва фарзанд тарбиясига масъулият билан ёндашувчи оила сифатида намоён этишга хизмат қилади.

Ҳар қандай ислоҳотларнинг кишилар ҳаёт тарзига таъсири, ютуқлари, камчиликлари ва истиқболини баҳолайдиган ўз барометрлари бўлади. Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда **“Янги Ўзбекистонда фаровон оила модели: миллий тажриба, илмий таҳлил ва инновацион ёндашувлар”** мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилади. Анжуманда оила институтини мустаҳкамлаш, замонавий оила моделини шакллантириш, миллий қадриятлар ва илмий ёндашувлар мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари ва маънавий-маърифий мулоқотлар ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, таълим муассасаларида ёшлар билан оилага тайёргарлик, масъулиятли никоҳ, оилада ўзаро ишонч ва ҳурмат, ота-оналик бурчи, миллий қадриятлар ва замонавий ҳаёт уйғунлиги ҳақида очиқ мулоқотлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Маҳаллаларда эса “Аҳил оила кунлари” доирасида оилавий ажрашиш билан боғлиқ муаммоларни барвақт аниқлаш, низоли оилалар билан индивидуал ишлаш, ҳуқуқий, психологик, тиббий ва педагогик маслаҳатлар бериш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий тадбирлар ўтказилади. Бу — профилактик ёндашув. Оиладаги муносабатлар дарз кетишидан олдин эрта аниқлаш ва муқобил ечимларни топиш оқил ва одил йўлдир.

Хотин-қизлар ва оналарнинг маънавий-маърифий фаоллигини ошириш мақсад қилинган “Китобхон оналар куни” лойиҳаси доирасида китобхонлик тадбирлари, оилавий мутолаа кечалари, оналар ва қизлар иштирокида адабий учрашувлар ташкил этилади. Ота-она ва фарзандларни бир китоб атрофида жамлайдиган бундай тадбирлар оилада маънавий муҳитни бойитишга хизмат қилади. Зеро, китобхон оилада маърифатли фарзандлар вояга етади. Маърифатли авлод эса миллатнинг истиқболи, эртасидир.

Оилавий муносабатларни соғломлаштиришга қаратилган “Оила квести”, “Севган овқатни биргаликда тайёрлаш”, “Оила даврасида кўрамиз”, “Борлигингиз учун раҳмат!” каби маърифий тадбирлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу ташаббуслар оила аъзолари ўртасида меҳр-муҳаббатни кучайтириш, бир-бирини қадрлаш, ота-онага ҳурмат ва фарзандларга эътиборни янада оширишга хизмат қилади.

Соғлом оила — соғлом жамият асоси. Қайд этиш керак, айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган “Аёллар спорт олимпиадаси”, бир-биридан қизиқарли спорт тадбирлари, оилавий юришлар, марафонлар, стол тенниси, шахмат, шашка ва енгил атлетика бўйича мусобақалар ўз атрофида юзлаб, минглаб хотин-қизларни бирлаштира олди. Момоларимиз топиб айтган: соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Демакки, ҳар қандай тараққиёт аввалида тан сиҳатлиги устувор. Шу боис, ушбу мусобақалар оналар, оилалар ўртасида ҳам спортни оммалаштириш, мунтазамликни таъминлаш мақсадида ташкил этилмоқда.

Бу эзгу ташаббуслар пойдеворини мустаҳкамлаш ва оила институтини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг узоқ муддатли йўналишларини белгилаш мақсадида “2026-2036 йилларда Ўзбекистонда оила фаровонлиги” концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳани оилани жамиятнинг бирламчи бўғини, қадриятлар, ижтимоий нормалар ва инсон капиталини шакллантирувчи бош институт сифатида эътироф этувчи, давлатимизнинг истиқболдаги ўн йилга мўлжалланган стратегик харитаси, дейиш мумкин.

Концепциянинг моҳияти теран ва кенг қамровли. Унга кўра, 2036 йилга бориб, жамиятимизда никоҳга киришиш бўйича маданият қарор топиши, ажримлар коэффициенти барқарор пасайиб, оилавий бирдамлик янада мустаҳкамланиши кўзда тутилмоқда. Оиладаги зўравонликнинг ҳар қандай кўринишининг тизимли олди олиниб, жабрланувчилар учун манзилли, тезкор ва ўз вақтидаги ҳимоя механизми тўлиқ ишга туширилади. Оила таркибидан қатъи назар — тўлиқми ёки нотўлиқ — болалар хавфсиз ва ривожлантирувчи муҳитда вояга етади.

Оилалар барқарор даромад манбаларига эга бўлиб, эҳтиёжманд хонадонларга кўрсатилаётган ёрдам уларни иқтисодий жиҳатдан мустақил субъектга айлантиришга йўналтирилади. Ҳар бир оила аъзосига тиббий ва психологик ёрдам олиш имконияти яратилади, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолганлар эса ўз маҳалласида ёхуд энг яқин хизмат нуқтасида комплекс кўмак олади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, концепцияда болалар фаровонлиги, хавфсизлиги, жисмоний ва интеллектуал камолоти устувор. Замоннинг янги глобал масалалари — меҳнат миграцияси, рақамли макондаги хатарлар, рақамли зўравонлик, танишув платформаларининг тартибсизлиги каби долзарб масалаларга ҳам аниқ ечимлар таклиф этилмоқда.

Жумладан, трансчегаравий ҳуқуқий ва психологик кўмак кўрсатувчи кўп тармоқли “ишонч телефони” ҳамда онлайн консультация тизими, масофавий медиация хизматлари, шунингдек, “Оилага дўстона иш берувчи” стандарти асосида шахсий ҳаёт ва меҳнат мувозанатини ҳимоя қилиш механизмлари босқичма-босқич жорий этилади.

Айни вақтда концепция оилани иқтисодий ёки ижтимоий бирлик эмас, аввало, халқимизнинг маънавий-ахлоқий, маданий ва тарихий қадриятларини асраб-авайловчи муқаддас даргоҳ сифатида эътироф этади. Зотан, фаровон оила моддий барқарор бўлиши билан бирга ватанга муҳаббат, авлодлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, она тилига садоқат, миллий ўзликни англаш каби фазилатларни фарзандларига табиий сингдира оладиган маскандир. Айнан оила қадриятлар авлоддан авлодга узлуксиз ўтказиладиган, ўрни бошқа бирор институт билан тўлдириб бўлмайдиган ягона макондир.

“Фаровон оила” модели муаммолардан мутлақо холи идеал тузилмани эмас, балки юзага келаётган ижтимоий, иқтисодий ва психологик қийинчиликларни мустақил енгиб ўта оладиган, етарли ички ресурслар ва тизимли қўллаб-қувватловга таянган оилани кўзда тутади. Давлат бу ўринда оила ўрнини босмайди, унинг ички масъулиятини зиммасига олмайди, балки оила ўз қадриятларини мустаҳкамлаб, кейинги авлодларга муносиб мерос қолдириши учун зарур шарт-шароитни яратиб беради. Муҳими, ушбу концепция БМТнинг тегишли конвенциялари, Барқарор ривожланиш мақсадлари ва халқаро меҳнат стандартлари билан уйғун тарзда амалга оширилади. Бу эса юртимиз оила сиёсатининг ҳам миллий, қолаверса, глобал талаблар даражасида эканини яна бир карра тасдиқлайди.

Бугун юртимиздаги ҳар бир ижтимоий-сиёсий ислоҳот марказида инсон ва унинг қадри турибди. Инсон оилада улғаяди, оилада камол топади. Оила қанча мустаҳкам бўлса, жамият шунча барқарор бўлади. Оиламиз бизнинг эртамиз, келажагимиз. Келажак бугундан бошланар экан, демак, бугун оилалар бахтли, саодатли яшаши керак. Ўз оиламизни асраш ва мустаҳкамлаш эса ҳар биримиз учун ҳам масъулиятли, ҳам шарафли бурчдир.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Анжуман

ОСИЁ АЁЛЛАРИНИНГ ЕТАКЧИЛИГИ ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИНИ БИРЛАШТИРУВЧИ МУҲИМ ПЛАТФОРМА

Бухоро шаҳрида “Аёлларга инвестиция — барқарор ўсиш асоси: хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик имкониятларини кенгайтириш” мавзусидаги Осиё хотин-қизларининг II форуми қизғин давом этмоқда.

Минтақа мамлакатлари етакчи аёлларининг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, давлат ва жамият бошқаруви ҳамда иқтисодиётдаги иштирокини янада кенгайтириш борасида тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган анжуманда нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари вакиллари, Осиё мамлакатлари парламентлари сенатор ва депутатлари, минтақанинг ижтимоий-сиёсий фаол хотин-қизлари иштирок этмоқда.

Президентимиз форум иштирокчиларига мурожаат йўллагани халқаро анжуман нуфузини янада оширди.

Форум аввалида Ўзбекистон Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева ушбу мурожаатни иштирокчиларга ўқиб эшиттирди. Табрикда кейинги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш янги Ўзбекистон ислоҳотларининг устувор йўналишига айлангани қайд этилган.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда юртимизда гендер тенгликни таъминлаш борасида мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал пойдевор яратилди. Янги таҳрирдаги Конституция ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси аёллар ҳуқуқлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилишнинг институционал кафолатларини мустаҳкамлади.

Кенг кўламли ислоҳотлар натижасида хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 37 фоизга, сиёсий партиялар таркибида эса 49 фоизга етиб, мамлакат бу кўрсаткич бўйича халқаро рейтингларда етакчилар қаторидан жой олди. Хусусан, Парламентлараро Иттифоқ томонидан юритиладиган “Парламентдаги аёллар” рейтингида юртимиз 193 та давлат орасида 35-ўринга кўтарилди.

Осиё хотин-қизларининг иккинчи форуми бугунги кунда дунё миқёсида ҳам кенг эътибор қаратилаётган долзарб масалалардан бири — хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, маиший зўравонликка чек қўйиш ҳамда аёлларнинг жамиятдаги ўрни, қадр-қимматини кўтариш борасида йирик мулоқот ва амалий ҳамкорлик майдонига айланди.

— Келажак ҳақида мулоқот айнан тарихий Бухорода ўтказилаётгани чуқур рамзий маънога эга, — дейди БМТ Бош котибининг махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе. — Зеро, Бухоро асрлар давомида илм-фан, маърифат, маданиятлараро мулоқот ва дипломатия маркази бўлиб келган. Бугун эса қадимий шаҳар минтақа аёлларининг етакчилиги, илмий салоҳияти ва ҳамкорлик ташаббусларини бирлаштирувчи муҳим манзил бўлмоқда.

Ушбу форумнинг биринчиси 2024 йил 13-14 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган эди. Биринчи мулоқот жуда яхши натижалар бериб, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида самарали халқаро майдонга айланганди. Шу боис, давлатимиз раҳбари 2025 йил 23 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида сўзлаган нутқида Осиё аёллари форумини мунтазам ўтказишни ва уни доимий платформага айлантиришни таклиф қилганди.

Бу йилги форум аввалгисидан мунтазамлиги ҳамда Осиё қитъаси бўйича қамровнинг кенглиги билан ҳам фарқланади.

— Форумда минтақанинг етакчи аёллари гендер тенглик, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда аёллар имкониятларини кенгайтириш масалаларини муҳокама қилиш учун бир майдонда жам бўлди, — дейди БМТ-аёллар” тузилмасининг Марказий Осиё бўйича мувофиқлаштирувчи офиси раҳбари Жерен Гувен Гуреш. — Бу мулоқот шунчаки навбатдаги халқаро учрашув эмас, балки минтақада янги сиёсий тафаккур ва минтақавий ҳамжиҳатликнинг амалий ифодаси сифатида намоён бўлмоқда. Озарбайжоннинг қўшилиши эса унинг геосиёсий ва гуманитар аҳамиятини янада оширди. Мазкур минтақа давлатлари нафақат иқтисодий ва транспорт соҳаларида, балки инсон капитали ва ижтимоий адолат масалаларида ҳам ягона позиция шакллантира бошлаганининг муҳим белгисидир. Умумий муаммоларни аниқлаш уларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш механизмини яратди.

Ҳақиқатан, бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари кўп жабҳада ҳамфикр, ҳамкор. Жумладан, аёлларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш, хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш ҳам минтақа кун тартибида устувор йўналишга айланмоқда. Бу эса янги Марказий Осиёнинг мустақил сиёсий субъект сифатида намоён бўлишидир.

— Форум доирасида эришиладиган келишув ҳар бир мамлакатда хотин-қизлар турмуш тарзи ва ҳимояси, ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Покиза Аҳмаджонова. — Ўйлайманки, ушбу форум Осиё қитъаси, айниқса, минтақамизда турли соҳаларнинг янада жадал тараққий этишига замин яратади. Боиси, бир неча сессияларга бўлиниб давом этаётган анжуманда турли соҳалар — “яшил иқтисодиёт”, сунъий интеллектдан тортиб, илм-фан, жамоат саломатлиги каби мавзуларда фикр ва тажриба алмашилапти, бу борада хотин-қизлар фаоллигини ошириш бўйича зарур тўхтамларга келинмоқда.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

2026 йил 15 май, 98-сон

Сўнгги йилларда кон-металлургия соҳасида ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Янги конлар ўзлаштирилиб, мавжудлари модернизация қилинмоқда. Бу эса нафақат хомашёни қазиб олиш, балки чуқур қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари кунига

ҚАТЪИЙ ИНТИЗОМ, ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси олдида турган вазифаларни ўз вақтида бажаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда

Ислоҳотлар юртимиз кон-металлургия саноатини ҳам юксак босқичга олиб чиқяпти. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва улар асосида ишлаб чиқариш қувватларини ошириш орқали мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга замин яратиляпти.

Қувондиқ САНАҚУЛОВ,
“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси — бош директори

Мазкур соҳа нафақат саноат ўсишини таъминламоқда, балки янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда катта аҳамият касб этмоқда. Кейинги йилларда комбинатдаги кенг кўламли ислоҳотлар, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ҳар бир ходим фаоллик, ташаббускорлик ва юксак масъулиятни ҳис қилмоқда.

Эришилаётган юксак натижалар замирида, аввало, мазкур тармоққа қаратилаётган доимий эътибор ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлов муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса Навоий кон-металлургия комбинати жамоасини фидойилик, ҳамжиҳатлик ва юксак масъулият ҳисси билан меҳнат қилишга руҳлантирмоқда.

Сўнгги йилларда кон-металлургия соҳасида ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Янги конлар ўзлаштирилиб, мавжудлари модернизация қилинмоқда. Бу эса нафақат хомашёни қазиб олиш, балки чуқур қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинати бу жараёнда етакчи ўринни эгаллаб турибди. Корхонадаги инвестицион лойиҳалар натижасида ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Шу билан бирга, соҳада энергия самарадорлиги ва экологик барқарорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Атроф-муҳитга зарарли таъсирни камайтириш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва “яшил” технологиялардан фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири. Кон-металлургия соҳасидаги янги босқич инновациялар, самарадорлик ва барқарор ривожланишга асосланган даврдир.

Жорий йилнинг 16 мартида Олмалиқда бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мустақилликнинг дастлабки йигирма беш йилида олтин қазиб олиш ҳажми 63 тоннадан 87 тоннага ёки 24 тонна ошган бўлса, сўнгги тўққиз йилда бунга яна 31 тонна қўшилиб, ўтган йили 118,4 тоннага етказилди. 2016 йилдан буён кумуш ишлаб чиқариш 1,6 баробар, уран 2,1 баробар, мис 1,4 баробар оширилишига эришилди. Натижада тармоқда ишлаб чиқариш 1,7 баробар ўсиб, ўтган йили 270 триллион сўмга етди.

Ушбу соҳада кўп йиллик тажрибага эга мутахассис сифатида таъкидлардимки, кон-металлургия саноатида, хусусан, олтин, кумуш ва мис қазиб олишда бугун кузатилаётган юқори ўсиш суръатлари илгари бўлмаган. Мазкур ютуқлар, аввало, юртимизда узоқни кўзлаб юритилаётган, пухта ўйланган иқтисодий сиёсат, шунингдек, тармоқни изчил ривожлантиришга қаратилаётган тизимли чора-тадбирлар ҳамда юксак эътибор самарасидир. Шу нуқтаи назардан, эришилаётган ютуқларимиз миллий саноатимизнинг янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

Машаққатли меҳнат самараси

Кон-металлургия соҳасида меҳнат қилиш нафақат шарафли, балки инсондан жасорат ва юксак масъулиятни ҳам талаб этади. Ушбу соҳада юксак натижаларга эришиш осонмас. Ҳар қандай катта ютуқлар замирида тинимсиз меҳнат, чуқур билим ҳамда мустаҳкам ирода мужассам бўлади.

Навоий кон-металлургия комбинати жаҳонда олтин ишлаб чиқарувчи энг йирик компаниялардан биридир. Комбинатнинг минерал ресурслари базаси 140 миллион унциядан ортиқни ташкил этади. 2025 йилда комбинат 98,2 тонна олтин ишлаб чиқарди. Дастур доирасида 1,4 триллион сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот тайёрланди. Тармоқлараро саноат кооперацияси доирасида 7,3 триллион сўмлик маҳсулот харид қилинди. Инвестиция дастури доирасида 561 миллион долларлик маблағ ўзлаштирилди. Янги лойиҳаларни амалга ошириш ва амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳисобига 2628 та янги иш ўрни яратилди. Қўлга киритган ютуқларимизда, энг аввало, 50 мингдан зиёд аҳил жамоанинг фидокорона меҳнати мужассам.

Жорий йилни ҳам турли соҳаларда ютуқлар билан бошладик. 2026 йил февраль ойида “Sustainable Fitch” халқаро рейтинг агентлиги томонидан НКМКнинг корпоратив ESG рейтинги “3” даражасида тасдиқланиб, умумий кўрсаткичи 51 балддан 54 баллга етди. Шунингдек, комбинат “Тендер тенглик фаоли” миллий танловининг республика босқичида иштирок этиб, “Тендер тенгликни таъминлашда энг фаол республика ташкилоти” номинациясида ғолиб деб топилди. Апрель ойида 2025 йилда очиқлик бўйича ишлар самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган “Очиқлик индекси”нинг якуний натижаларига кўра, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ 94,4 балл билан энг юқори натижани қайд этиб, 1-ўринни эгаллади.

Ривожланишнинг асосий шарти

Кейинги йилларда кон-металлургия саноати иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида жадал ривожланмоқда. Тармоқда самарадорликни ошириш, замонавий технологияларни жорий этиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик барқарорликни таъминлашда илм-фан ютуқлари ва илмий изланишлар ҳал қилувчи аҳамият касб этяпти.

Кон-металлургияда илмий изланишлар, аввало, қазиб олиш жараёнларини самарали ташкил этиш имконини беради. Геологик тадқиқотлар орқали ер ости бойликларини аниқлаш ва баҳолаш ишлари такомиллашиб бормоқда. Бу жараёнда геология фани муҳим ўрин тутади. Замонавий геологик таҳлиллар ресурсларни тежаш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга хизмат қилади. Қазилма бойликларни қайта ишлаш жараёнида илғор технологияларни қўллаш маҳсулот сифатини оширади. Масалан, автоматлаштириш ва рақамлаштириш орқали ишлаб чиқаришда аниқлик ва самарадорлик таъминланади. Кон-металлургия корхоналарида чиқиндиларни қайта ишлаш, зарарли газларни камайтириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан. Бундай корхоналарда илм ва изланишлар нафақат ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиради, балки иқтисодий ўсиш, экологик барқарорлик ва рақобатбардошликка йўл очади.

Комбинат сингари йирик ишлаб чиқариш корхоналари учун илмий изланишлар қилиш ривожланишнинг асосий шартидир. Ишлаб чиқариш жараёнида турли муаммолар юзага келиши табиий ҳол. Аммо уларни самарали ҳал қилиш айнан илм-фан ва таҳлилга таянади. Ушбу йўналишда корхонамизда тизимли ва мақсадли ишлар қилинмоқда. Бугунги кунда комбинатда 10 нафар фан доктори ва 30 нафар фан номзоди фаолият юритмоқда ва улар ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказмоқда.

Айни пайтда корхонамизда 10 дан ортиқ мутахассис илмий ишларини ҳимоя қилиш арафасида турибди. Улар орасида ёш мутахассислар кўплиги қувонарли. Бу келгусида илмий мактабларимиз ривожи, инновацион ғоялар ва янги илмий йўналишлар шаклланиши учун мустаҳкам замин яратади.

Комбинат ва ишлаб чиқариш корхоналарида турли соҳаларда минглаб муҳандислар фаолият юритмоқда. Улар орасида илмий изланишга мойил ва ишлаб чиқаришдаги муаммоларни ҳал этиш бўйича индивидуал изланишлар қилаётганлар талайгина. Уларнинг илмий ҳамжиҳатлигини янада ошириш мақсадида бугунги кунда комбинатда конструкторлар ва ёш муҳандислар кенгашлари ташкил этилди. Ушбу кенгашларнинг асосий мақсади корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини ва рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Шунингдек, ёшларимиз ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни сунъий интеллект асосида такомиллаштириш, самарадорлик ва тежамкорликни оширишга қаратилган илмий-инновацион таклифлар ҳамда рационализаторлик ғояларини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали асосланган ечимлар ишлаб чиқиши кўзда тутилган. Ишлаб чиқариш жараёнларида мавжуд муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва уларга самарали ечимлар топиш каби вазифалар ҳам кенгаш аъзолари зиммасида. Асосийси, ёш муҳандисларнинг изланишлари ва амалий фаолиятининг ўзаро интеграцияси ҳамда ҳамкорлигини мустаҳкамлаш келажагимиз учун муҳим аҳамият касб этади.

Биз ёшларга етарлича эътибор қаратиб, зарур шарт-шароитларни яратиб берсак, уларнинг қалбида иштиёқ ва салоҳият жонланади. Ёш муҳандисларимиз билим, изланиш ва инновацион ғоялари билан нафақат катта натижаларга эришади, балки келажагимиз тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 16 мартида Олмалиқда бўлган учрашувда ёшларга қарата “Ўқисин, излансин, бундай корхоналарда ишлаб, ҳаётда муносиб ўрнини топсин” деган даъвати комбинатда ишлаётган ҳар бир йигит-қизимиз қалбида акс садо берди, десам айни ҳақиқат.

Зеро, бугун ёшлар таълим олиши ва илмий тадқиқот билан шуғулланиши учун барча зарур имконият ва шарт-шароитлар яратиляпти. Буни комбинат мисолида яққол кўришимиз мумкин. Ўтган йилда 5- ва 7-гидрометаллургия заводлари, шунингдек, Навоий машинасозлик заводи директори, бош муҳандиси ва қуюв цехи бошлиғи, Инновация маркази раҳбари, марказий бошқармада эса транспорт бўлими бошлиғи долзарб масалаларга бағишланган илмий тадқиқот ишларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Уларнинг илмий тадқиқотлари бевосита ишлаб чиқариш жараёнлари билан узвий боғлиқлиги ва ишлаб чиқаришга жорий этилгани билан аҳамиятли. Ҳозир комбинатнинг 30 дан ортиқ муҳандис ва мутахассиси геология, геотехнология, кончилик иши, фойдали қазилмаларни бойитиш, гидрометаллургик жараёнларни такомиллаштириш, ахборот технологиялари, энергетика, материалшунослик, қуймачилик, шунингдек, металларга ишлов бериш ва экология каби йўналишларда илмий тадқиқотлар қиляпти.

Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети кон-металлургия саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган етакчи олий таълим муассасасидир. Университетда таълим жараёни ишлаб чиқариш билан узвий интеграция қилинган бўлиб, бу талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш, замонавий касбий кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Олий таълим муассасасида илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилган.

Саноат корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик асосида кон-металлургия соҳасининг долзарб илмий-амалий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган тадқиқотлар тизимли равишда бажариляпти. Профессор-ўқитувчилар таркибининг асосий қисми томонидан геотехнология, фойдали қазилмаларни бойитиш, материалшунослик, энергетика каби йўналишларда илмий изланишлар қилинмоқда. Ҳозирги кунда университетда 47 нафар фан доктори ва 175 нафар фан номзоди фаолият юритмоқда. Илмий даражага эга кадрлар сони юқорилиги таълим ва илмий тадқиқотлар сифатини таъминлашда муҳим омилдир. Умумий илмий салоҳият даражаси юқори, яъни 65 фоизни ташкил этаётгани мазкур олий ўқув юрти кон-металлургия соҳаси учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий-инновацион фаолиятни самарали амалга оширишда муҳим ўрин тутаётганини кўрсатади.

Кон-металлургия саноатида илм-фан ва илмий изланишлар тармоқнинг самарали ва барқарор ривожланишида ҳал қилувчи омил бўляпти. Замонавий технологиялар, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни ҳал этиш айнан илмий ёндашув асосида таъминланмоқда. Корхоналар ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик, малакали мутахассислар тайёрлаш ва ёшларни илмга жалб этиш соҳа тараққиёти учун мустаҳкам замин яратади.

> **“НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ, ҚАТЪИЙ ИНТИЗОМ ВА ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИК АСОСИДА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ИЗЧИЛ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ОРҚАЛИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ЯНГИ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИБ КЕЛМОҚДА.**

Сунъий интеллект ва рақамлаштириш — давр талаби

Давлатимиз раҳбари топшириғи асосида Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда Навоий кон-металлургия комбинатида 2025-2030 йилларда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ва стартап лойиҳаларни амалга ошириш “йўл харитаси” тасдиқланди. Ҳужжат доирасида корхона фаолиятининг геология-қидирув, тоғ-кон ишлари, рудани қайта ишлаш, саноат хавфсизлиги, ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва энергия ресурсларини бошқариш каби асосий йўналишларини қамраб олган 24 та сунъий интеллект ва стартап лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланган.

Катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва юқори унумли ҳисоблаш инфратузилмаси шакллантирилмоқда ҳамда кенг кўламли кадрлар тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Корхонанинг 2000 дан ортиқ мутахассиси сунъий интеллект технологиялари бўйича ўқитилди.

Бугунги кунда сунъий интеллектга асосланган биринчи ечимлар, жумладан, саноат хавфсизлиги видеотаҳлили тизимлари, шахсий ҳимоя воситаларини тақишни назорат қилиш, карьер техникаси ҳайдовчилари ҳолати мониторинги, шунингдек, кадрлар танлаш, харидлар ва ҳужжатлар таҳлили учун сунъий интеллект ёрдамчилари — AI ассистентлар жорий этилди.

Мурунтов конида карьернинг рақамли моделларини яратиш ва автоматлаштирилган ишлаб чиқариш назоратини таъминлайдиган учувчисиз учиш аппаратлари ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда кон массасини қазиб олиш ҳажмини юқори аниқликда ҳисоблаш тизимини жорий этиш бўйича тажриба лойиҳаси амалга оширилди.

2026 йилда кадрлар ва харид жараёнларини автоматлаштириш учун сунъий интеллект тизимлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва саноат хавфсизлиги бўйича таҳлилий тизимлар, карьер техникасини назорат қилиш учун видеотаҳлилни ривожлантириш, чиқинди омборларининг сунъий йўлдош геодинамик мониторинги, шунингдек, ускуналарга башоратли хизмат кўрсатиш, энергия истеъмолини оптималлаштириш ва сув ресурсларини бошқаришнинг интеллектуал тизимларини ўз ичига олган 10 та сунъий интеллект лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

Микросейсмик мониторинг ва геодинамик хавфларни башорат қилишнинг интеллектуал алгоритмларини жорий этишни назарда тутувчи “Хавфсиз рақамли шахта”, ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаган ҳолда янги авлод MES тизимини жорий этишга қаратилган “СИ — Рақамли гидрометаллургия” лойиҳалари асосий лойиҳалар ҳисобланади.

Ушбу лойиҳалар кон-металлургия ишлаб чиқаришининг интеллектуал рақамли моделини шакллантириш, руда қазиб олиш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш хатарларини камайтириш ва меҳнат унумдорлиги янада ўсишини таъминлаш имконини беради.

Улуғвор вазифалар

Навоий кон-металлургия комбинатида давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган, яқин келажакдаги вазифаларни сўзсиз бажариш бўйича ишлар жадаллик билан давом этмоқда. Жумладан, “Мурунтов конини ўзлаштириш. V навбати 2-босқичи” ва “Нуқракон ва Космоначи конларидан қумуш маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини қуриш”, “Қоқпатас ва Довғизтов олтин конларида маъдан қазиб олиш. III-навбати” каби инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Яқинда халқимиз давлат мустақиллигининг 35 йиллик улуғ айёмини кенг ва тантанали нишонлайди. Бу қутлуғ байрамни кўтаринки руҳда кутиб олиш, унга пухта тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Тўйга тўёна деганларидек, мустақиллик байрами арафасида 2-гидрометаллургия заводида маъданни қайта ишлаш қувватини йилига 55 миллион тоннага етказиш имконини берувчи янги блоклар ишга туширилади, 3-гидрометаллургия заводида замонавий градирния биноси фойдаланишга топширилади, 7-гидрометаллургия заводининг қайта ишлаш қувватини 10 миллион тоннага оширилиб, умумий қуввати 25 миллион тоннага етказилади. Жанубий кон бошқармасида 400 ўринли маиший бино, Довғизтов кони ишчи-ходимлари учун 250 ўринли ошхона қурилиб ишга туширилади.

Зарафшон шаҳрида эса “Олтин водий” маданият саройи капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилади.

Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси юксак масъулият, қатъий интизом ва ўзаро ҳамжиҳатлик асосида самарали фаолият юритиб, замонавий технологияларни изчил жорий этиш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш орқали барқарор ривожланиш ва янги ютуқларга эришиб келмоқда.

Ҳар йили май ойининг учинчи якшанбаси Ўзбекистонда кончилик ва металлургия ходимлари куни сифатида кенг нишонланади. Фурсатдан фойдаланиб, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги тизимида фаолият юритаётган Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия комбинати ҳамда барча ҳамкор ташкилотлар жамоаларини касб байрами билан самимий муборакбод этамиз.

Ўзбекистон модели концептуал жиҳатдан бир нечта муҳим хусусияти билан ажралиб туради. Яъни бизда ижтимоий ҳимоя манзиллилик ва рақамли технологияларга асосланмоқда.

Нуқтаи назар

ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР

ЁХУД ХОРАЗМНИНГ БАРҚАРОР ЭНЕРГЕТИК МУСТАҚИЛЛИГИГА ЭРИШИШИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЛОЙИҲА

Феруза МАДРАҲИМОВА,
Урганч давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор

Қайта тикланувчи энергия манбалари минтақамиздаги экологик мувозанатни сақлаб қолишда муҳим ўрин тутади. Айниқса, Орол денгизининг қуриб бориши ва чўллашиш жараёни билан боғлиқ омиллар "яшил" энергетикага ўтиш заруратини оширмоқда. Шу боис, бугун юртимизнинг турли ҳудудида йирик қуёш ва шамол электр станциялари барпо этиляпти. Бу салмоқли ишга хорижий инвесторлар жалб қилинмоқда. Замонавий технологиялар асосида янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар эса Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда "яшил" энергетика бўйича етакчи давлатлардан бири бўлишини таъминлайди.

Ушбу ишларнинг мантиқий давоми сифатида Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университетида ҳам барча биноларимизни қамраб олувчи юқори қувватли қуёш электр станцияси ишга туширилди. Ушбу тизим университетни арзон ва тоза энергия билан таъминлаш баробарида талабалар ва ходимлар учун амалий таълим майдони бўлиб хизмат қилмоқда.

Урганч давлат университети 2023-2024 йилларда амалга оширилган йирик инфратузилма лойиҳаси доирасида бутунлай янги энергетика тизимига ўтди. ОТМнинг барча

асосий бинолари ва академик мажмуаларига ўрнатилган қуёш панеллари комплекси бугун ҳудуддаги энг йирик таълим энергетика тизимларидан.

Хусусан, 3764 та қуёш панели ўрнатилган бўлиб, ҳар бирининг ўртача қуввати 0,55 киловаттдан иборат. Натижада тизимнинг умумий қуввати 2070,2 киловаттни ташкил этади. Ушбу қувват йилига тахминан 3,2 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Лойиҳа нафақат иқтисодий, балки экологик жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этиб, йилига ўртача 2450 тонна углерод диоксиди гази атмосферага тарқалишининг олдини олади. Тизимнинг амортизация муддати 25 йил этиб белгиланган ва узоқ муддатли барқарор ишлашга мўлжалланган. Шу билан бирга, лойиҳа тўлиқ автоматлаштирилган тўр тизими асосида ишлайди ва университетдаги ҳамма бинони қамраб олган ҳолда ягона энергия инфратузилмасини шакллантиради. Бу тизим университетга иқтисодий жиҳатдан ҳам сезиларли фойда келтирмоқда.

Бундан ташқари, Урганч давлат университети талабалари, магистрлари ва ёш мутахассислари муқобил энергетика манбасига доир катта инновацион тадқиқотлар лойиҳаси устида ишламоқда. Бу лойиҳа Хоразм вилоятининг ўзига хос географик ва табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган ҳамда ҳудуднинг барқарор энергетик мустақиллигига эришишига йўналтирилган.

Хоразм вилояти Марказий Осиёнинг энг зич ирмоқ ва каналлар тармоғига эга ҳудудларидан. Амударё ҳавзасида жойлашган минглаб километрли очиқ каналлар анъанавий қишлоқ хўжалигини суғориш учун хизмат қилади. Аммо бу улкан сув оқимининг энергетик салоҳиятидан ҳозиргача амалда тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Университет тадқиқотчилари "Тўғонсиз микроГЭС" концепциясини ишлаб чиқмоқда. Бу технологиянинг асосий афзаллиги шундаки, у катта тўғон қурмай, очиқ каналлар оқимининг кинетик энергиясидан фойдаланишга хизмат қилади. Натижада экологик бузилиш минималлаштирилади, инвестиция харажати кескин камаяди ва маҳаллий аҳоли учун қулай бўлган энергия таъминоти тизими шаклланади.

Иккинчи инновацион йўналиш — сунъий шамол ҳосил қилиш технологиясини энергетика мақсадларида қўллаш. Бу ғоя анъанавий шамол турбиналаридан тубдан фарқ қилади: табиий шамол интенсивлиги етарли бўлмаган ҳудудларда ёки ихтиёрий муҳандислик тузилмалари ёрдамида йўналтирилган ҳаво оқими яратиб, кичик турбиналар орқали электр энергияси ишлаб чиқаришни кўзда тутади.

Хоразм ўртача шамол тезлиги жиҳатидан Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига нисбатан паст кўрсаткичга эга. Шу сабабли университет тадқиқотчилари Вентури эффекти ва аэродинамик найлар ёрдамида ҳаво оқимини кескин тезлаштириб, кичик автоном турбиналарга етказиб бериш концепциясини ўрганмоқда.

ОТМда ўтказилаётган барча тадқиқотлар кўп босқичли илмий методологияга асосланади. Талабалар ва магистрлар лаборатория тажрибаларидан бошлаб, реал муҳандислик прототипларини яратиш ва пилот лойиҳаларни амалда синашгача бўлган тўлиқ тадқиқот циклини бажаради.

Қолаверса, Урганч давлат университети Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Миллий университети ва Хоразм Маъмун академияси билан ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказмоқда. Хорижий ҳамкорлар қаторида Германия, Жанубий Корея, Малайзия ва Нидерландия университетлари билан меморандумлар имзоланган бўлиб, қўшма грантлар ва халқаро тадқиқотлар имкониятлари фаол ўрганилмоқда.

Университетнинг қуёш энергетикаси, микроГЭС ва сунъий шамол бўйича комплекс илмий фаолияти Хоразм вилояти ва бутун Марказий Осиё учун намуна бўлмоқда. ОТМга келган вилоят ҳокимлари, бизнес вакиллари ва қўшни давлатлар мутахассислари тажриба алмашиш ва лойиҳани ўз ҳудудида татбиқ этиш бўйича ҳамкорлик қилмоқда. Бу кўпайтирувчи таъсирнинг аниқ намунаси бўлиб, битта муваффақиятли муассаса ўнлаб ёки юзлаб бошқа ташкилотларга илҳом бериши мумкин.

Талабалар ва ўқитувчилар "яшил" энергетика соҳасида халқаро сертификатлаштириш дастурларида иштирок этмоқда. Бу кадрлар мамлакатимизнинг барча ҳудудига бориб, "яшил иқтисодиёт"нинг ҳақиқий элчилари ва муҳандислари бўлиб хизмат қилади. Улар фақат билимдон мутахассислар эмас, балки амалий муаммоларни ҳам ҳал қила оладиган инноваторлар бўлиб етишмоқда.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – ИНСОНИЙЛИК ДЕМАК

Ижтимоий ҳимоя ҳар қандай давлатнинг инсонийлик даражасини белгиловчи энг муҳим кўрсаткичлардан биридир. Муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш дастлаб оила ва маҳалла институтлари орқали амалга оширилган бўлса, кейинчалик бу вазифа давлатнинг бевосита масъулиятига айланди. Шу тариқа оддий ёрдам бериш амалиёти ҳуқуқий кафолатлар, институционал механизмлар ва комплексли тизимга ўтди.

Долзарб мавзу

Фарид НАЗАРОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги юридик бўлими бошлиғи

Дунё тажрибасида ижтимоий ҳимоя тушунчаси пенсия ва нафақалар билан чекланмайди. У инсоннинг бутун ҳаёти давомида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни қамраб олади. Жумладан, болаликдан кексаликкача, соғлиқ ҳолати ёмонлашган пайтда, ишсизликда, ногиронлик ҳолатида, зўравонликка дуч келганда ёки оғир ҳаётий вазиятга тушганда давлат томонидан кафолатланган ёрдам ва хизматлар тизимини ўз ичига олади. У қанчалик кенг қамровли ва хизматларга бой бўлса, жамиятда ижтимоий барқарорлик шунчалик юқори бўлади. Масалан, Финляндия ижтимоий ҳимоя тизимида 40 дан ортиқ турдаги хизматлар мавжуд. Унда оилавий маслаҳат, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, уйда парвариш, реабилитация, ишсизлик бўйича хизматлар ва ижтимоий мослашув дастурлари йўлга қўйилган. Бу мамлакатда асосий урғу инсонни мустақил ҳаётга қайтаришга қаратилган.

Германияда тизим янада кенг бўлиб, 50 га яқин турдаги хизматларни қамраб олади. Пенсия, тиббий суғурта, ишсизлик суғуртаси билан бирга узоқ муддатли парвариш (long-term care) хизмати алоҳида шаклланган. Шунингдек, ижтимоий хизматлар оилавий инқироз, ногиронлик, қарилик ва ижтимоий четлашув ҳолатларида индивидуал ёндашув асосида кўрсатилади.

Жанубий Кореяда тизим 30 дан ортиқ хизмат турини ўз ичига олган. Бу мамлакатда кекса аҳоли учун узлуксиз парвариш, кундузги марказлар, уйда хизмат кўрсатиш, шунингдек, ёшлар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш дастурлари кенг жорий этилган. Давлат ижтимоий хизматларни рақамлаштириш ва манзилли етказишга катта эътибор қаратади. Ушбу мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, фаолият самарали бўлиши учун у фақат тўловлар билан чекланмаслиги, турли ҳаётий вазиятларни қамраб олувчи кенг хизматлар мажмуасига эга бўлиши лозим. Айнан хизматлар диверсификацияси ва уларнинг инсонга яқинлиги самарадорликни белгилайди.

Хорижда ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий тамойиллари ва хизмат турлари, аввало, қонун даражасида белгиланади. Дейлик, уларнинг турлари, фойдаланиш ҳуқуқи, давлатнинг мажбурият ва кафолатлари парламент томонидан қабул қилинадиган қонунлар орқали мустаҳкамланади. Шу билан бирга, янги хизмат турларини амалий жиҳатдан жорий этиш, тартиб-таомилларини белгилаш ва молиялаштириш механизмларини аниқлаш одатда ҳукумат қарорлари ёки ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Айрим ҳолатларда эса алоҳида турлар соҳавий вазирликлар томонидан қабул қилинадиган норматив ҳужжатлар — низомлар, стандартлар ва маъмурий регламентлар орқали тартибга солинади. Бу, айниқса, реабилитация, парвариш, болаларни ҳимоя қилиш ёки руҳий саломатлик каби юқори ихтисослашган йўналишларда қўлланилади.

Шу тариқа халқаро амалиётда ижтимоий хизматларни жорий этиш "уч босқичли ҳуқуқий модель" асосида амалга оширилади.

Яъни қонун стратегик асосни белгилайди, ҳукумат қарорлари механизмларни шакллантиради, соҳавий ҳужжатлар эса хизматларнинг амалда ишлаш тартибини таъминлайди.

Бундай тажриба Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, сўнгги йилларда миллий моделда айнан шундай тизимли ёндашув шаклланаётганини кузатиш мумкин. Хусусан, Конституциямизда Ўзбекистоннинг "ижтимоий давлат" экани белгилаб қўйилди. Ушбу норма давлат зиммасига аниқ мажбуриятларни юклайдиган ҳуқуқий тамойилдир. Конституцияга кўра, ҳар бир шахс қариганда, меҳнат қобилиятини, боқувчисини йўқотганда ва бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, пенсия ва нафақалар инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаши лозимлиги белгилаб қўйилган. Меҳнатга лаёқатсиз ва эҳтиёжманд шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатланган. Бу нормалар ижтимоий ҳимояни мажбурий давлат функциясига айлантиради.

Айнан шу конституциявий пойдевор асосида сўнгги йилларда Ўзбекистонда соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. 2023-2026 йиллар давомида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили кўрсатадики, ушбу даврда ижтимоий ҳимоя соҳаси давлат сиёсатининг энг фаол йўналишларидан бирига айланган. Яъни жами 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлиб, бу ўртача ҳисобда ҳар ойда камида иккита янги қарор ёки фармон қабул қилинганини англатади.

2023 йил ислоҳотларнинг институционал босқичи бўлди. Ўша йилнинг 1 июнида давлатимиз раҳбарининг "Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ва тизимга дахлдор қарорлар орқали ягона марказ ва аниқ бошқарув вертикали яратилди. Ижтимоий ходим институти шакллантирилди ва унинг роли тубдан қайта кўриб чиқилди.

Айнан шу ёндашув асосида ҳудудларда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди. Ушбу марказлар аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамларни "бир дарча" тамойили асосида кўрсатиш, турли идоралар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ҳамда фуқаролар муаммоларини жойида ҳал этишнинг асосий институционал платформасига айланди. Энг муҳими, фаолият инсон яшайдиган муҳитга — маҳаллага яқинлаштирилди. Ушбу марказлар орқали хизматлар эҳтиёжни аниқлаш, хавфни баҳолаш ва проактив ёндашув асосида кўрсатила бошланди.

Тизимни амалий жиҳатдан ишлатиш учун зарур бўлган асосий элементлар ҳам шакллантирилди. Хусусан, ёрдамлар тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарорлар қабул қилинди, соҳадаги функциялар оптималлаштирилди, ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга хизмат кўрсатиш тизими қайта кўриб чиқилди. Ижтимоий ҳимояни рақамлаштириш, электрон ариза бериш, ягона реестр орқали маълумотларни юритиш каби механизмлар жорий этилди. Бу эса аниқ маълумотларга асосланган тизим шаклланишига олиб келди.

2024 йилга келиб ислоҳотлар мазмун жиҳатидан янги босқичга чиқди. Жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини янада кучайтириш, тизимни такомиллаштириш ва болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди. Реабилитация хизматлари, протез-ортопедия ёрдами, ногиронликни баҳолаш тизими, зўравонликдан жабрланганларга ёрдам каби йўналишлар тартибга солинди.

"Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун уларни ҳимоя қилиш соҳасида мутлақо янги босқични бошлаб берди. Ушбу қонун болаларни ҳимоя қилиш йўналишидаги ислоҳотларга тизимли ҳуқуқий асос яратиб, давлат сиёсатини профилактика, эрта аниқлаш ва комплекс ёрдам кўрсатишга йўналтирди. Энг муҳими, ушбу қонун болаларга нисбатан зўравонликни ижтимоий хавф сифатида кўриб, уни бартараф этишда таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлади.

Шунингдек, қонун болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини аниқлаш, хавф даражасини баҳолаш, индивидуал ҳимоя режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби янги механизмларни жорий этишга асос бўлди. Бу эса болани ҳимоя қилишда хавфни олдиндан бартараф этишга қаратилган тизимни шакллантирди.

Умуман олганда, ушбу қонун бу борада янги ислоҳотлар учун старт нуқтаси бўлди. Мазкур йўналишда давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқди.

2025 йил эса ижтимоий ҳимоя тизимининг институционал ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамланган босқичи бўлди. "Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши билан тизимга суғуртавий элементлар киритилди. Камбағалликни қисқартириш, ногиронлиги бўлган шахсларни бандликка жалб этиш, ижтимоий хизматларни ҳудудларга яқинлаштириш, болаларни ҳимоялаш бўйича стратегиялар каби йўналишларда муҳим қарорлар қабул қилинди.

Бу ислоҳотлар ижтимоий ҳимояни реактив тизимдан проактив тизимга айлантирди. Яъни давлат муаммо юзага келишидан олдин хавфни аниқлаб, бартараф этишга ҳаракат қилмоқда.

2026 йилдаги ишлар ҳам шу анъана давом этаётганини кўрсатмоқда. Ижтимоий реестр асосида оилаларни қўллаб-қувватлаш, янги дастурларни жорий этиш ва хавф гуруҳига кирувчи болалар билан ишлаш тизимини кучайтиришга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон модели концептуал жиҳатдан бир нечта муҳим хусусияти билан ажралиб туради. Яъни бизда ижтимоий ҳимоя манзиллилик ва рақамли технологияларга асосланмоқда. Ижтимоий хизматлар давлат томонидан кафолатланган хизматлар сифатида шаклланяпти. Эҳтиёжлар инсоннинг ҳаётий вазияти ва функционал ҳолатига қараб баҳоланмоқда.

Ижтимоий ходим институти мустаҳкамланиб, профессионал иш фаолияти йўлга қўйилган. Хизматлар муассасалардан жамиятга, яъни инсонга яқинлаштирилмоқда.

Кенг ҳуқуқий таҳлил кўрсатадики, бу ислоҳотлар фақат алоҳида қарорлар йиғиндиси эмас. Улар ўзаро боғланган, ягона концепцияга асосланган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган тизимли сиёсатдир. Бу сиёсатнинг марказида эса инсон турибди. Ҳозирги суръат сақланиб қолса, Ўзбекистон яқин йилларда мазкур соҳада минтақадаги энг илғор моделлардан бирини шакллантириши мумкин.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ОРЗУ, ШИЖОАТ ВА МАТОНАТНИНГ РАНГИН ОЛАМИ

Инсон юраги уриб, қалбида орзу яшар экан, ҳаракатдан тўхтамайди. У тўсиқларни енгиб ўтади. Орамизда шундайлар борки, матонат борасида ўрнак олса арзийди. Улар ҳаётга интилиши, жасорати ила имконсиз кўринган марраларни ҳам забт этиб, бошқаларни ҳайратга солади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз ҳам ана шундай юртдошларимиздан бири.

Орамиздаги одамлар

Севинч Нарзиева бугун 21 ёшда. Имконияти чекланган. У дунёга келганида ота-онасининг қувончи ичига сиғмаган эди. Шу сабаб унга Севинч дея исм қўйишганди. Шифокорлар тиббий кўрик ўтказганида Севинч бошқа гўдаклар қатори соғлом эди. Онаси яхши парваришлай бошлади. Аммо беш ойлик бўлганида тўсатдан шамоллади. Муолажа давомидаги биргина хато туфайли қизалоқ ногирон бўлиб қолди. Ота қизини бағрига босиб, бормаган шифохонаси, учрашмаган табиби қолмади. На илож, имконсиз қолаверди. Бошига қанча ташвиш тушса-да, нолиш нималигини билмаган Ғиёс ака қизи камоли учун бор кучини сарфлади. Оддий ишчи бўлишига қарамай, унга имконият яратиб беришга интилди. Натижада қизи адабиётга, тасвирий санъатга меҳр қўйиб улғайди.

— Болалигида китоб ўқиб беришимни илтимос қиларди. Деярли ҳар куни эртак ўқиб ухлатардим, — дейди Севинчнинг онаси Гулсара Аҳмедова. — Кейинчалик ўзи мустақил ўқийдиган бўлди. Шундан сўнг дадаси китоб олиб бера бошлади. Бир куни уйга кирсам, оёғининг бармоқлари орасига қалам қистирилган. Қоғозга нимадир чизишга уриняпти. Ҳайратда қолдим. Ўша пайтда етти ёшда эди. Чизишни уддалай олишига ишонмадим. Буни опаси ўргатган экан. Сўнг ҳар куни шу билан шуғулланадиган бўлди. Тиришқоқлиги боис, дастлаб қаламни оёғи бармоқлари орасида ушлашни ўзлаштирди. Кейин турли шакллар чизишни бошлади. Ўзи учун севимли машғулот топганига мамнун бўлдик. Қоғоз-қалам олиб бердик. Бошида ўхшамаганди. Аста-секин ҳаракатлари яхши чиқа бошлади. Кейин мактабга ўқишга бердик. Фанларни яхши ўзлаштирди. Ёзишни ҳам оёқда бажаради. Ҳозир чизаётган суратлари кишини ўзига ром этади.

Ўрта мактабни инклюзив тартибда якунлаган Севинчда Қарши давлат университетида ўқиш истаги пайдо бўлди. Ўзи қизиққан тасвирий санъат йўналишига ҳужжат топшириб, ижодий имтиҳонлардан юқори баҳо олди. Аммо айрим ҳужжатларида камчилиги борлиги сабаб талабалар сафидан жой ололмади. Ўтган йили жиддий ҳозирлик кўрган қиз имтиҳонлардан яхши ўтди. Ҳозир олийгоҳнинг тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши биринчи босқичида таҳсил олмоқда. Университет маъмурияти унинг билим олишига енгиллик яратиш мақсадида уйда дарс ўтмоқда.

— Севинч қизимиз яқинда биринчи босқични якунлайди, — дейди Қарши давлат университети ўқитувчиси Ориф Мирзаев. — Интилиши анча яхши. Инсон астойдил хоҳласа, ўз мақсадига эришиши мумкин. Буни шу қиз мисолида ҳам кўрса бўлади. Ҳаракати дадил.

Илгари ҳаваскор сифатида расм чизган бўлса, бугун рассомликни илмий жиҳатдан, қоидалар асосида ўрганяпти. Бундан ташқари, у кўп бадиий китоб ўқиган. Шу боис, тафаккури юксак. Тасаввур олами кенг. Ўз хаёлоти билан янги асар ярата олади. Булар рассом учун жуда муҳим жиҳат. Чизган айрим расмлари кишини ўйга толдиради. Уларни англаш учун теран нигоҳ керак. Ўйлашимча, Севинч шунчаки чизмайди, қалбидаги туғёнларни қоғозга туширади. Муҳими, рассом қизимиз мақсад қўйдими, чекинмайди. Орзулари бисёр. Ҳали катта кўргазмалар ташкил этиш режаси бор. Ҳар сафар унга дарс ўтаётиб, ўзим ҳам нимадир ўрганаман.

Хаёллар оғушида расм чизаётган қизнинг ҳаракатларини бир муддат кузатдик. Оёғининг бармоқлари орасига қистирилган қаламни бир маромда ҳаракатлантирмоқда. Аста-секин тасвирлар чизилади. Бир маҳал унга қайсидир чизиқ ёқмайди шекилли, бир муддат тўхтайди. Ўчирғични чап оёғининг бармоқлари орасида ушлаб, тасвирларни ўчиради. Яна чизишга киришади...

— Етти ёшимда оёғимда қалам ушлашни ўргангандим, — дейди Севинч. — Кўп йиллар ўз билганимча расм чиздим. Улар яхши чиқса ҳам, ўхшамайроқ қолса ҳам чизишдан тўхтамадим. Кейин шу тарзда ёзишни ўргандим. Мактабдаги устозларимдан кўп яхши сабоқлар олдим. Инсон ҳаракат қилса, мақсад сари яқинлашиб боравераркан. Ҳозир университетдаги ўқитувчиларим тасвирий санъат сирларини ўргатмоқда. Келгусида шахсий кўргазмаларимни ташкил этишни мақсад қилганман.

Айтишларича, қаҳрамонимизнинг отаси Ғиёс ака ҳам 2-гуруҳ ногирони. Табиийки, оиланинг иқтисодий аҳволи шунга яраша. Лекин Ғиёс ака қизига керакли нарсаларни ўз вақтида етказиб бермоқда. Бу матонатли юртдошимиз бирор марта масъуллардан ёрдам сўраб бормаган. Улар борига шукр қилиб, йўғини йўндириб яшаб келмоқда. Мабодо маҳалла раиси ва фаоллари келиб ёрдам беришни таклиф этса ҳам буни рад этишига шубҳа йўқ. Қаҳрамонимиз билан хайрлашар эканмиз, маҳалла бу оилага барибир кўмак бериши, ҳеч йўқ Севинч учун китоблар совға қилиши керак деб ўйладик.

Акбар ҒОЗИЕВ,
журналист

Инсон қадри учун

ҚАЛБЛАРГА НУР УЛАШГАН ЭЗГУ ТАШАББУС

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ НОМИДАН ҲАЖ САФАРИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛГАН НУРОНИЙЛАР ҚУВОНЧИ

Шундай лаҳзалар бўладики, улар инсон қалбида умрбод муҳрланиб қолади. Баъзан бир эзгу хабар йиллар давомида дил тубида асраб келинган орзуларни рўёбга чиқариб, кўзларга шукроналик ёшини келтиради, қалбларга эса беқиёс умид, хотиржамлик ва сурур бағишлайди. Айниқса, муқаддас Каъбатуллоҳ зиёратини бутун умр армон ва соғинч билан кутиб яшаган нуроний отахон ва онахонларимиз учун кутилмаганда орзулари ушалган ўша муборак онлар ҳаётнинг энг унутилмас, энг қутлуғ ва азиз дамларига айланади.

Инсон қадри улуғланаётган янги Ўзбекистонда бу каби саодатли лаҳзалар шунчаки тасодиф эмас, балки инсонпарвар сиёсатнинг амалдаги ёрқин ифодасига айланаётгани айни ҳақиқат.

Бу йилги муборак Рамазон ойида амалга оширилган хайрли тадбирлар шу эзгу сиёсатнинг ёрқин намунаси бўлди. Эҳтиёжманд аҳоли учун ажратилган маблағлар, юзлаб инсонларга умид бағишлаган бепул жарроҳлик амалиётлари, файзли ифторлик дастурхонлари, арзонлаштирилган озиқ-овқат ярмаркалари — буларнинг барчаси халқ дарди билан яшаш, инсонни рози қилишдек олий қадриятнинг амалий ифодаси сифатида қалблардан чуқур жой олди.

Бугун эса ана шу эзгу ишлар мантиқий давом этиб, яна бир улуғ хайрли ташаббус халқимиз қалбига чексиз қувонч улашмоқда. Яъни юз нафар юртдошимиз Президентимиз номидан ҳаж сафарига йўлланма олиш шарафига муносиб кўрилди. Бу нафақат уларнинг ҳаётидаги энг унутилмас воқеа, балки бутун халқимиз учун меҳр-оқибат, эҳтиром ва инсонийликнинг юксак намунасидир. Чунки Каъбатуллоҳ зиёратига мушарраф бўлиш ҳар бир мусулмоннинг энг улуғ орзуларидан биридир.

Қалбларга сурур бағишлаган бу саодатли рўйхатдан жиззахлик 6 нуроний ҳам ўрин олгани воҳа аҳли томонидан катта мамнуният билан қарши олинди. Зеро, юрт тинчлигига дуогўй бўлиб, умри давомида ҳалол меҳнат ва эзгулик билан яшаган инсонларнинг муборак ҳаж сафарига мушарраф бўлиши нафақат оиласи, балки бутун маҳалла ва эл-юрт учун ҳам катта шарафдир.

Хусусан, Зафаробод туманида истиқомат қилувчи Абдуҳошим ота Ўрозовнинг хонадонида ҳақиқий байрам муҳити ҳукмрон. Отахоннинг хонадонига кирган ҳар бир инсон бу ердаги қувонч, ҳаяжон ва шукроналик туйғуларини юракдан ҳис этади. Унинг кўзларидаги севинч ёшлари, фарзандлари ва яқинлари чеҳрасидаги фахр ва мамнуният бугунги эзгу сиёсатнинг энг таъсирли ифодаси ўлароқ намоён бўлмоқда.

Шу муносабат билан Жиззах вилояти ҳокими Абдуҳошим отанинг хонадонига ташриф буюриб, мамлакатимиз етакчиси номидан ҳаж сафари учун махсус йўлланма ҳамда эсдалик совғалар топширди.

Самимий мулоқот, эзгу тилаклар ва дуоларга бой кечган учрашув хонадон аҳли учун умрбод ёдда қоладиган унутилмас лаҳзаларга айланди.

Нуронийларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром ва эътибор халқимизга хос азалий қадриятларнинг яна бир ёрқин намунаси экани таъкидланди. Зеро, кексаларни эъзозлаш, дуосини олиш, кўнглини шод этиш халқимизнинг маънавий таянчи, миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Абдуҳошим ота эса, ўз навбатида, ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига чексиз миннатдорлик билдириб, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва янги Ўзбекистон равнақи учун самимий дуолар қилди.

“Мана шундай саодатли кунларга етказган Яратганга беҳисоб шукр қиламан, — дейди Абдуҳошим ота Ўрозов. “Бугунги қувончимни, қалбимдаги ҳаяжон ва шукроналик туйғуларини сўз билан тўлиқ ифодалаш жуда қийин. Ростини айтсам, ҳозир ўзимни туш кўраётгандек ҳис қиляпман. Бошимга бахт қуши қўнди, десам муболаға бўлмайди. Чунки чекка тумандаги оддий қишлоқда яшовчи, умрини ҳалол меҳнат билан ўтказган мендек бир нафақахўр инсоннинг кўнглидаги энг улуғ орзулардан бири ушалиши — беқиёс бахт”.

Бу меҳр ва эътиборни умримнинг охиригача унутмайман. Насиб қилса, муқаддас заминларда, дуолар ижобат бўладиган муборак онларда халқимиз, Президентимиз ва азиз ватанимиз ҳаққига самимий дуолар қиламан. Юртимиз осмони доимо мусаффо, халқимиз тинч ва фаровон бўлсин, янги Ўзбекистонимиз янада тараққий этсин, фарзандларимиз бахтли келажак соҳиблари бўлишсин деб Яратгандан сўрайман.

Қарийб қирқ йил умримни мактабга, таълим-тарбиясига бағишладим. Математика фанидан ўғил-қизларга сабоқ бердим. Шу боис, бугунги ўзгаришларни кўриб, қалбим қувончга тўлади. Чунки биз ишлаган давр билан ҳозирги кунни солиштирсам, ер билан осмонча фарқ бор. Илгари мактаб дегани қийинчилик, машаққат ва етишмовчилик билан боғлиқ эди. Болалар билим олиш ўрнига ойлаб пахта далаларида юрарди. Маошимиз тирикчиликка аранг етарди. Уни ҳам баъзан икки-уч ойлаб кутиб олардик.

Бугун эса мактабларга кирсам, ҳавасим келади. Замонавий бинолар, шинам синфхоналар, интерактив технологиялар, китобга ва илмга эътибор — буларнинг барчаси таълим соҳасига давлат даражасида катта аҳамият берилаётганини кўрсатади.

Юртимиздаги ислоҳотлар замирида айнан инсон манфаати, унинг қадри ва бахтли ҳаётини таъминлашдек улуғ мақсад мужассам. Абдуҳошим ота каби нуронийларнинг қалбидан чиққан самимий шукроналик ва дуолар эса бу эзгу сиёсатнинг халқ қалбида чуқур акс садо топаётганини яққол намоён этади.

Муқаддас ҳаж сафарига отланаётган нуронийларимизнинг эзгу тилаклари, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида қилаётган самимий дуолари янги Ўзбекистонда маънавий муҳит янада юксалаётгани, меҳр-оқибат ва инсонпарварлик тамойиллари тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ёрқин рамзи сифатида барчамизнинг қалбимизга илиқлик, умид ва ишонч бағишлайди.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Зиёрат туризми

— Бобо, қаранг, мана бу дарахт XV асрда экилган экан.
— Шундай, болам, ўша пайтда яхши ният билан экилган-да.
— Ёнидагилар ҳам шундай экан. Бешта экан. Экилганигаям беш асрдан ошибди. Буларнинг ёши қандай аниқланган?
— Аниқлаш мушкул эмас, муҳими, шу вақтга қадар қирқилмаганида. Қара, ўзи ҳам узоқ тарихдан сўйлаб турибди. Салобатига эътибор бер. Булар не-не кунларга гувоҳ бўлмаган дейсан, болам.

ИЛМ ЗИЁСИНИ ТАРАТГАН аллома

— Бобо, нега зиёрат қилинади?

— Қўлингдаги ялтироқдек телефонинг борку. Шунинг ҳам қуввати тугаб қолади. Тўғрими? Худди шундай, гоҳида турмуш ташвишларидан толиқиб, инсоннинг ҳам руҳий қуввати камайиб қолади. Ана шундай дамда зиёратгоҳларга келиб, одам ўзига куч олади. Тетиклашади.

— Сизнинг қуввати камайиб қолдими?

— Ҳа, болам. Юра қол, тезроқ бориб зиёрат қилмасак, чарчаб ўтириб қоламан.

Ўн ёшлар атрофидаги бола бобосига ҳайрат билан боққанча қўлидан маҳкам ушлаб олди. Гўё қуввати тугаган одамга тиргак бўлаётгандек юра бошлади. Қария эса зиёрат одобини набирасига тушунтириб борарди.

Бобо ва набиранинг савол-жавоб қилиб, етаклашиб кетаётганини кўриб, ҳавасим келди. Мажмуа майдонидаги беш асрлик тут дарахтлари бундай суҳбатларга кўп гувоҳ бўлгандир. Айниқса, кейинги йилларда. Боиси, яқин йилларга қадар бу манзилда буюк аллома қабри борлиги ҳақида деярли ҳеч ким билмаган. Бугун эса бу жой обод маконга айланди.

Мозийга назар ташлайдиган бўлсак, Насаф азал-азалдан дунё илм-фани ва маданияти равнақига салмоқли ҳисса қўшган шаҳарлардан бири бўлиб келган. Хусусан, қадимий қўлёзма ва библиографик қомусий асарларни варақлаб кўрсак, бу барокатли кентдан кўплаб олиму уламолар етишиб чиқиб, Насафий нисбаси билан самарали ижод қилганининг гувоҳи бўламиз.

Шулардан бири Абул Муин Насафийдир. У ислом динини ичкаридан бузишга уринган, ботил қарашли оқимлар илгари сурган ғояларга қарши курашар экан, ҳар бир муаммо (ихтилоф)га катта эътибор билан ёндашди, далилларни ҳам шунга мувофиқ танлади. Бу йўлда калом илми йўналишидаги устози Имом Абу Мансур Мотуридий қарашларини ривожлантириши натижасида содда ва самарали далилларни асослаб, тарғиб қилди. Шу боис, уни замондошлари “ҳақиқат қиличи” дея улуғлаган. Кейинги йилларда кўплаб алломаларимиз қаторида Абул Муин Насафийнинг ҳаёти ва асарларини илмий асосда ўрганиш ишлари йўлга қўйилди. Аллома мангу қўним топган манзил обод гўшага айлантирилди.

— Анча йиллар Қовчин маҳалласига раислик қилганман, — дейди Абу Муин Насафий мажмуасини бошқариш ва ободонлаштириш дирекцияси раҳбари Музаффар Бозоров. — Шу қишлоқда туғилиб ўсганман. Илгари бу ҳудудда буюк аллома қабри борлиги ҳақида умуман маълумотга эга эмас эдик. Зиёратгоҳ ҳақида тушунчамиз ҳам йўқ эди. Бу ерда фақат эски масжид бўлган. Шунда ҳам йўллари тупроқли, қаровсиз ҳолда эди. Қишлоқ кексаларидан бошқа бирор киши келмасди. Бир четда кўримсизгина мақбара бор эди. Лекин ким учун қурилгани, қабрда ким ётгани маълум эмасди. Президентимиз Қашқадарёга ташрифларидан бирида шу зиёратгоҳга келиб, бу жойни обод қилиш борасида кўрсатма берди. Шундан сўнг ҳудудда катта бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Уста-дурадгорлар, малакали ҳунармандлар меҳнати эвазига зиёратгоҳ яхлит мажмуа шаклига келтирилди. 2,1 гектар майдонни эгаллаган обида ҳудудида янги 500 ўринли масжид, кутубхона, музей, маъмурий бино, таҳоратхона ва чойхоналар қуриб битказилди. Мажмуа ҳудудидан ўтувчи кичик анҳор реконструкция қилинди. Ташқи йўлларни замонавий лойиҳалар асосида қайта қуриш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, барчаси тўлиқ якунига етказилди. Атрофи ободонлаштирилиб, дарахтлар ўтқазилди. Ўша пайтда экилган ниҳоллар катта дарахт бўлиб, мажмуамизга чирой бахш этмоқда.

Бугун мажмуада музей ҳам ташкил этилган. У ерда ноёб экспонатлар кўп. Жумладан, хитой ипак қоғозига битилган ноёб Қуръони карим қўлёзмасини шулар қаторига киритиш мумкин. Бу муқаддас китобнинг бўйи 60, эни 41 сантиметр. Мазкур Қуръон учун уста Зариф деган киши баландлиги 1 метр 60 сантиметрли лавҳ ясаган. Лавҳда ҳижрий йил ҳисоби билан 1266 (милодий 1851) санаси ёзиб қолдирилган. Шунингдек, унга 12 қатордан иборат форсий шеър ўйиб битилган. Бундан ташқари, у ерда “Шарҳи ҳикмат ул-айн”, “Девони Жомий” каби учта китоб мавжуд. Музей ходимларининг айтишича, ушбу манбалар анча йиллар олдин зиёратгоҳ ҳовлисидаги қалин пахса девор орасидан чиқиб қолган. Зиёратгоҳ атрофида катта қабристон ҳам бор. Ҳудуди 50 гектардан кўпроқ. Айни пайтда буюк аллома хоки ётган манзил маҳаллий ва хорижлик зиёратчилар билан гавжум.

Шамсул-аимма ал-Ҳалвоний ким бўлган?

Абу Муин Насафий зиёратгоҳидан чамаси олти-етти юз метрлар масофа нарида, жануби-шарқ томонда яна бир зиёратгоҳ мавжуд. Маҳаллий аҳолининг фикрича, бу ерда улуғ мутафаккирнинг қабри бор. Фақат Насафий зиёратгоҳидан фарқли равишда бу жойнинг атрофи ободонлаштирилмаган. Шамсул-аимма ал-Ҳалвоний номи билан боғлиқ мазкур ҳудудда мақбара бунёд этилган. Ичкарисида эса тузилиш тарҳи кам учрайдиган қадимий якка қабр мавжуд. Унинг сирти махсус ясалган нақшинкор кошинлар билан безатилган. Маҳаллий аҳоли шу пайтга қадар бу ерни Ҳазрати Шайхон ота мангу қўним топган манзил деб билган. Бундан ташқари, мажмуада қадимий иморатларнинг қолдиқлари сақланиб қолган.

— Илгари отам шу ерга қаровчи бўлган. Бугун бу вазифани ўзим бажариб келяпман, — дейди зиёратгоҳ ходими Элмирза Алимов. — Бу мақбара 2017 йили қайта таъмирланди. Нариги тарафдаги пахсадан қилинган иморатлардан ўша даврда, яъни X асрларда ҳужра, таҳоратхона ва чиллахона сифатида фойдаланилган. Ҳозир ҳам айрим хоналар бутунлигича турибди. Бундан ташқари, ҳовли ўртасидаги катта ҳовуз ҳам олдиндан бор. Нариги четда қудуқ бўларди. Бугун кўмилиб кетган. Лекин мажмуа тўлиқлигича ўрганилмаган. Биз аввалдан мақбарадаги қабр Ҳазрати Шайхон ота Ҳалвонийга тегишли деб келганмиз. Аммо кейинги йилларда айрим кишилар қабрдаги ёзувни ўрганиш орқали унинг Шамсул-аимма ал-Ҳалвоний эканини аниқлади. Шу ернинг ўзида кичик ҳажмли масжид ҳам бўлган дейишади.

Бу ерда бошқа зиёратгоҳларда учрамайдиган ҳолат кичик ҳажмли ҳужралардир. Сабаби уларнинг ҳар бири оддий пахсадан қилинган. Кўриниши гумбазсимон шаклда бўлиб, хоналар ўз даврида турли вазифаларни ўтагани кўриниб турибди. Мақбаранинг орқа томонида ҳам бир пайтлар қандайдир бино бўлганини англаш қийин эмас.

— Ҳудудни ободонлаштириш давомида турли қадимий буюмлар чиқиб қолади, — дейди Элмирза Алимов. — Барчасини бир ерга йиғиб қўяман. Бирор кун мутахассислар келса, қайси даврга тегишли эканини аниқлашар. Ҳозир топилмаларнинг кўпи жуда қадимий экани айтилмоқда. Агар археологлар вақт ажратиб, бу ерда ишласа, янада кўп нарсалар топилиши ва мажмуа тарихи ойдинлашиши мумкин.

Ушбу зиёратгоҳ ҳақида маълумот тўплар эканмиз, турли манбаларга дуч келдим. Хусусан, Шамсул-аимма ал-Ҳалвоний исмли киши билан боғлиқ манбалар Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳам учраши ҳақида айтиб ўтилган. Умуман олганда, аллома ҳақида кўплаб ўрганишлар олиб борилиши керакка ўхшайди. Шундагина биз бугунги авлодга асл тарихни очиб берган бўламиз.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-546.
30636 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Аслиддин Абдураззоқов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:25 Топширилди — 23:30

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05